

1991 йил 1 сентябрдан
чиқа бошлаган

Оила ва жамият

ҚУТ-БАРАКАЛИ ОИЛА

Оиласида бахт топган, ўз меҳнати билан элу-юртимизда обрў-этиборга сазовор бўлаётган аёллар кўп. Қажрамонимиз Раънохон Сирожиiddинова ана шундай аёллардан. Раънохон опа кўп йиллардан буён банк тизимида ишлайди. Айни кунларда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳар бош бошқармасида 1 - муовин лавозимида ишлайди. Хар куни жамиятдаги масъулиятли вазифасини бажариб уйга қайтадиган бу аёлнинг хонадондаги ўрни, оила ва фарзандларига бўлган муносабатлари билан қизиқдик.

Ишда ниҳоятда талабчан, жиддий Раънохон опа уйда бутунлай бошқа инсонга айланаркан. Бир-биридан ширин Фотима Зухро набирчаларини тиззасига ўтказиб эркалаётган опанинг мулоим чехрасидан, бахт ва меҳр ёғиларди гўё.

- Онам, айниқса отамиз бизнинг ўқимишли инсонлар бўлишимизни жуда-жуда орзу қиларди. "Болаларим, ўқинглар, илм олинглар. Менинг дунёдаги бирдан бир орзуим- сизларнинг ўқимишли инсонлар бўлишингизни кўришдир. Ана шундагина мен ўзимни бахтли ҳисоблайман." - дерди отам. Отам орзу қилгандек биз етти фарзанд ҳаммамиз ўқидик. Юртга хизмат қилаемиз. Ҳатто болаларимиз ҳам олий маълумотли. Ўзим ҳам ўқимишли оилага келин бўлдим. Қайнонам Насиха ая 30 йил С.Раҳимов туманидаги 15"А"-болалар богчасида мудирлик қилган. Жуда талабчан ва саришта аёл эди. Болаларимга шундай меҳрибон эдики, кўриб ҳайрон қолардим. Мана энди ўзим набиралик бўлган, набираларнинг ширин бўлишини тушундим. Уч набирам бор. Айниқса Фотима Зухроларим менинг жону дилим. Улар катта ўғлим Саидахорр билан келиним Нилуфархонларнинг фарзандлари.

- Раъно опа, мана иккита келинли қайнона экансиз. Қайнона бўлиш... Қийин эмасми?

- Узига яраша қийин томонлари ҳам бор. Бу ҳам бир касб-да, энг масъулиятли касб. Давлат ёки жамиятда ишласангиз маълум бир вазифани бажарасиз. Аммо қайноналикнинг ёзилмаган қонунлари, жуда нозик сирин-асрорлари кўп экан.

- Келинларнинг ахиллиги қайнонага ҳам боғлиқ дейишадими...

- Албатта. Келинлар ҳар хил чамандан келтирилиб бир гулзорга экилган гулларга ўхшайдилар. Масалан, Нилуфарим - катта келиним ўн нафар фарзанднинг энг кенжаси бўлса, кейингиси Дилнозахон эса ота-онанинг ёлғизгина фарзанди. Қаранг, икки хил муҳитда ўсган қизлар бир оиладаги шароитга ўрганишлари керак. Бу уларга ҳам осон эмас-да. Бунда қайнота-қайнона, умуман оиладаги



ларнинг ҳаммаси ёрдам бериши керак, ҳар холда мен шундай деб ўйлайман. Қизларим йўқ эди. Ўғилларим Саидахорр, Жамшид уйланган келинларим, икки қизим бўлишди. Насиб бўлиб Жасуриим уйланса қизларим учта бўлади.

- Раъно опа, қайнона сифатида келин-куёвларнинг тўйдан олдин тиббий кўриқдан ўтишлари, шунингдек, никоҳ шартномасига қандай қарайсиз?

Ёшлар, йигит билан қиз тўйдан олдин ўз соғлиқларининг қандайлигини билгани яхши эмасми? Шунда кейинчалик ҳеч қандай дилхирлик бўлмайди. Мен ҳам, кудаларим ҳам тўйдан олдин фарзандларимизни тиббий кўриқдан ўтказганмиз. Никоҳ шартномасига келсак, бу ёшларни оила қуришга жиддийлик билан қарашга ўргатади. Эркак ҳам, аёл ҳам болаларни етим қилиб этак силкиб чиқиётганидан аввал зиммасидаги жавоб-

Оиламиз меҳмони

гарликни ҳис этади.

- Сиз жамиятда ва оилада ўз ўрнингизни топган аёлсиз. Бундай бахтга эришишда қандай қийинчиликларни енгилганга тўғри келган?

- Турмуш ўртоғим Саиданвар ака билан ўзаро бир-биримизни тушуниб, ўзаро ҳурмат қилиб яшадик. У киши Республика ИИБ йўл патрул хизматида ишлаб ҳозир нафақага чиқди. Билмаганларимни қайнонам ўргатди. Уч ўғлимиз кўнгулдагидек комил инсонлар бўлиб ўсишди.

- Фарзандларингиз сиз ишла-



ГУЛЛАРГА ОШУФТА КЎНГУЛ

"Хар ким ўзи турган ерни гулзор қилса, бутун олам гулга бурканади"
ИСЛОМ КАРИМОВ

"Анджонни гуллар вилоятига айлантирайлик!" кўрик-танлови жараёнида кўча ва маҳаллалар янада ободлашиб, саришта, намунали хонадонлар, гулга меҳр қўйган оилалар аниқланмоқда. Кўрик-танлов жорий - "Обод маҳалла йили"да "Обод маҳаллам бўл, яна кўркам!" шиори остида ўтмоқда. Корасув шаҳрида ҳам гул шайдоларининг сафи янада ортмоқда. Бобур шоҳ кўчаси, 1-тор кўча, 1-уйда яшовчи онахон Анзиратхон Қипчакова ана шундай инсонлардан бири. Анзрат ая хонадони ниҳоятда шинам, покиза, саришталлиги билан эътиборимизни тортиб. Туваклардаги юзга яқин ҳамда, жуяклардаги анвойи гуллар баҳри-дилнингизни очади. Улардан таралаётган хушбўй, ёқимли хиддан маст бўласиз.

- Гулга қизиқшимга қайнотам раҳматли сабаб бўлган эди. У киши ҳовлига бошқа дов-дарахт экмаса ҳам, албатта, гул экардилар - дея гап бошлади Анзиратхон ая. - Шу-шу мен ҳам турли хил гуллар экиб парваришлайдиган бўлдим. Иштиёқ билан қараганимдан бўлса керак гуллар тез ўсиб, ривожланди. Ҳозирда гулзоримда кактус, ёронгул, асалгул, қалампиргул, олчагул, узумгул, "Кобра", алоз, толгул, бобугул каби кўплаб турлари бор. Жуякларда ҳам турли хил атиргуллар, гултожиҳўроз, сиёҳгул каби гулларим бор.

- Уларнинг парвариши-чи? Қандай улгурсиз?

- Аввало, мен ўзим пенсияданам. Вақтин кўп. Қолаверса уйимиздагиларга, келин, невараларга тайинлайман. Пайхон қилдирмай, уздирмай, доимо назорат қилиб тураман. Хар ўн кунда сув қуяман. Киш келганда гулларни уй ичига парваришлайман. Қувватли бўлиб яхши ўсиши учун уларни ўғитлайман. Гулларимни кўпайтириб, маҳалла-қўй, таниш-билиш, қариндошурулларга бериб тураман...

Турмуш ўртоғи Райимжон акадан жуда эрта - 1966 йили бева қолди. Ая колхозда ишлаб, уч фарзандни тарбиялаб вояга етказди. Фарзандлар яхши инсонлар бўлиб етишишди. Ўндан зийд неваралар ўйнаб-қулиб улгаймоқдалар.

- Онахон, уйингиз ҳаминша гўзаллик, шодлик ва бахт рамзи бўлган гулларга тўлаверсин! Ўзингиз ҳам гулларингиз каби доимо яшнаб, яшариб юринг! - дея тилак билдирдик.

Оловиддин ДАДАХОНОВ
Анджон вилояти,

Маҳаммаджон НАЗАРОВ
олган сурат



Сувратда: Курбонсулв Норбоева, Тошкент шаҳар Тўқимачилар институти қошидаги академик-лицейининг математика ўқитувчиси. Меҳнат қилган элда ази, дейдилар. Курбонсулв Норбоева кўп йиллик педагогик фаолияти учун Ўзбекистон халқ таълими аълочиси деган эътиборли унвонга мушарраф бўлганлардан биридир.

Мамлакатимизда рўй бераётган ислохларни, тараққиётни, маданий ва маънавий ўсишни, давлатнинг иқтисодий юксалишини, халқнинг турмуш фаровонлигини ўсишини ва шу каби буюк ўзгаришларни мен албатта, муқтарам юртбошимиз фаолияти билан боғлайман.

Айнан, ҳозирги жараёнда олиб борилаётган барча жабдалардаги ислохлар фақат бир нарсани кўзлаб қилинмоқда, у ҳам бўлса, халқимизнинг фаровон, гўзал яшashi учун.

Биргина Шаҳрихоним мисолида гапирадиган бўлсам, туманимизда маданий-маънавий, маърифий ҳаётида, иқтисодий ҳаётида, шуғурида, дунё-қарашида буюк бури-лишлар бўлди. Туманимиз нафақат вилоятда, балки, водийдаги гўзал маконлардан бирига айланди. 12 йилда олдин шаҳардан саломатлиқ, иқтисодий ривожланган шаҳарга туманга айлантирилди. Туманимизда қадимдан маълум, ҳунармандчиликнинг кўплаб турлари ривожланган. Бу ривожланиш эса мустақиллик йилларида янги тус олди. Янги технологиялар кириб келди. Ҳунармандчилик янги услубларда ривожланди. Тадбиркорлар кўпайди. Ўз навбатида эса, ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг сони ошди. Пиловардида эса, буларнинг ҳаммаси азиз халқимизнинг

фаровонлиги учун хизмат қилмоқда.

Ўзим ҳам тумандаги ёш фермерларданман. Мустақиллик шарофати билан, ширкат ҳўжалигидан ер олиб, фермер ҳўжалиги ташкил этганмиз. Кинкилагина жамоамиз билан шу она Ватан учун, шу азиз халқимиз учун, қўлдан келганича яхшилик қилиш учун, мамлакатимизнинг иқтисодий ривожлиги учун озми-кўпми меҳнат қилмоқдамиз. Мақсадимиз эса шу ҳур ва озад Ўзбекистонимиз учун юртбошимиз таъбири билан айтгандай: "ёниб яшамоқ"лиқдир.

Ишим юзасидан кўплаб тадбиркор ва фермерлар билан суҳбатлашганимда ҳаммасининг уй-фикрлари замирида фақат бир нарсаси у ҳам бўлса - эзулик. Эзулик эса фақат яхшиликлардан иборат. Юртимиз кишилари қалбида эзулик бор экан, демак, бизларга доимо яхшиликлар ҳамроҳ, яхшиликлар ҳўжрон бўлган юрт эса албатта буюк бўлади.

Дилмуродбек САЛОҲИДДИНОВ
Анджон вилояти,
Шаҳрихон тумани,
Бўстон ширкат ҳўжалиги
"Сарварбек" фермер
ҳўжалиги раҳбари

ФАРЗАНДИНГИЗ БАЛОҒАТ ОСТОНАСИДА...



Суратда: Янгийўлнинг бир гуруҳ фаол хотин - қизлари

Оила кодексининг 17-моддасида “Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш” ҳақида фикр юритилган. Ушбу масала бўйича жойларда қандай ишлар амалга ошириляпти? Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида бу борадаги ишлар қандай?

Башорат РАҲИМҚУЛОВА - Янгийўл тумани ҳоқими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси:

- Энг долзарб вазифаларимиздан бири ёш оилаларни мустақкамлашга қаратилган. Тиббий кўриқдан ўтишнинг асл моҳиятини тушуниб етмаётган, ўз келажагига нисбатан бефарқ қараётган йигит-қизларнинг лоқайдлигини кўриб афсусланаман. Яқинда бир оиладан бир келинчак келиб: “Турмуш ўртоғим билан ортиқ ашолмайман!”, - дейди. Сабабини су-

риштирсам никоҳнинг иккинчи кечасиданоқ куёвтура келини ноҳўя жинсий муносабатда бўлишга мажбур қилган. Йигит ёнига яқинлашиши билан қиз хушидан кетиб қолар экан. Қайнона билан гаплашдим. У келинини касалвандликда айблади. Онага ўғлининг ёмон ҳаракатлари ҳақида гапирганимда у пешонасига муштлади. Ўғлининг ўртоқлари билан “беҳаё фильм”лар кўриб юрганини тасдиқлади.

- Аёлдан сўрадим: “Ўғлингиз балоғат ёшига етганида у билан бирор марта дилдан суҳбатлашиб кўрганмисиз?”

- Қизиқ саволни бердингизку! Қандай қилиб мен ўғлим билан жинсий масала ҳақида гаплашаман, - дея онанинг энаси қотди. Эрингиз ота сифатида фарзанди билан гаплашиб кўрганми? - Яна саволга тутдим аёлини.

- Дадасининг ўғлим билан гаплашишдан ҳам бошқа ишлари бошидан ошиб ётибди, - онанинг жавоби шу бўлди. Демак, ота-она тирикчилик ташвишлари билан бўлиб ўғлининг балоғатга етганини ҳам сезмай қолишган. Ўртоқларидан эшитган нотўғри маълумотлар, уятсиз фильмларни кўрган боланинг онгда жинсий яқинлик ҳақида нотўғри тушулча пайдо бўлган. Хуллас, ўша оилани сақлаб қолишнинг иложи бўлмади. Ҳаммадан кўп жабр тортган қиз бечоранинг ота уйига бош эгиб боришдан бошқа иложи қолмади. Мен йигитнинг онасига фарзандини доволатиш, акс холда оқибати ёмон фожеа билан тугашини тушунтирдим. Менимча, биз фарзандларимиз билан аёл ва эркак ўртасидаги покиза муно-

Хотин-қизлар кўмиталари фаолиятидан

сабатлар ҳақида мунтазам тушулча бериб, боришимиз зарур. Қолаверса, мактаб дарсларида ҳам бунга эътибор билан қаралса айни муддао бўларди.

Зухра ХОШИМОВА - акушер гинеколог:

-Биз қизларимизни ёшликдан оилага тайёрлаб борамиз. Иложи борича уларни тиббий кўриқдан ўтказиб туришга ҳаракат қиламиз-у, йигитлар ҳақида кўпам қайғурмаймиз. Шифохонамизга оила қуриш арафасида турган йигит-қизлар бирга келишади. Уларни УЗИ аппаратида юборамиз, агар бўлажак келинда ёки куёвда бирор касаллик аломатлари аниқланса дарҳол даволашга киришамиз. Қиз бола никоҳнинг биринчи кечасида ўзини қандай тутишини тушунтирамиз. Лекин, бир муаммо ҳамон бизни қийнаб келаяпти. Яъни, туман шифохоналарида ҳам “сексепаталогия” бўлимлари жорий қилинса, йигитлар ҳам тиббий кўриқдан тўлиқ ҳолда ўтказилса мақсадга мувофиқ бўларди. Шунда уларга жинсий маданият тушунтирилари. Йигитларга спиртли ичимликлар ичиб аёлга яқинлашиш мумкин эмаслиги, бунинг натижасида ногирон болалар дунёга келиши мумкинлиги айтиб ўтиларди. Баъзан тиббий кўриқдан бош тортиш, таниш-билиш қилиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Яқинда бир йигит келиб “тиббий йўриқнома” сига муҳр босиб беришимизни илтимос қилди. ФХДЭ бўлими ходимлари тиббиёт гувоҳномасисиз никоҳни қайд этмасликларини билдиришибди. Биз йигитнинг тақлифига рози бўлмадик. Ноложи келин-куёв тиббий кўриқдан ўтишди. Шу билан ҳар икки томоннинг ҳам кўнгли тўқ. Тиббий кўриқнинг афзал томонлари бизга қўл келаяпти. Баъзи бир қайноналар маълум вақт ўтгандан кейин “келиним касалванд”, - деб келинларини

ҳайдашга тушади. Шундай ҳолатларда келиннинг ҳомиладорлиги, уйқусизлиги, оғир меҳнат қилиши эвазига шундай ҳолатлар келиб чиқиши мумкинлигини тушунтириб қўйишга тўғри келади.

Матлуба МИРАҲМЕДОВА - Янгийўл туман ФХДЭ бўлими бошлиғи:

- Шу пайтгача туманимизда яшовчи 578 та ёш оилалар никоҳдан ўтишди. Буларнинг барчасида тиббий йўриқномалари бор. Агар никоҳланувчи йигит ёки қиз тиббий кўриқдан ўтмаса никоҳ қайд этилмайди. Биз бу борада қишлоқ фуқаролар йиғинларида ёш йигит-қизлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб бораёلمиз. “Гулбахор” кўргони хотин-қизлари ўртасида, “Сиз оила қуришга тайёрмисиз?” мавзусида ўтказган давра суҳбатимиз ўзининг ижобий натижасини берди. Ёш йигит-қизлар ўзларини қизиқтирган саволларни бериб биз билан фикр алмашишди. Тиббий кўриқнинг афзал томонлари ҳақидаги сўровномалар қизгин баҳс-мунозараларга айланиб кетди. Бундай давра суҳбатларидан кейин мен оила соғлом, мустақкам бўлиши учун аввало ҳар бир инсоннинг ўзи ҳаракат қилиши керак деган қарорга келдим.

Бугун фарзандингиз балоғат остонасида турибди. Унинг қалбида қандай ўй-фикрлар ҳукмрон? Уни қандай муаммолар қийнапти? Улар билан дилдан суҳбатлашинг. Муаммолари бўлса биргалашиб ҳал қилишга ёрдам беринг. Шунда унинг келажагига эртанги кунга ишончи ортади. Сиз эса уларнинг беҳавотир ва бахтли яшашлари учун замин яратган бўласиз.

Н. ЙҮЛДОШЕВА

ОНАЛИК ВА БОЛАЛИККА ЭЪТИБОР

Республика Вазирлар Маҳкамасида Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш комплексининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Бош Вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар кўмитасининг раиси Дилбар Фуломова бошқарган мазкур мажлисда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибиятлари ҳамда, комплекс тасарруфидаги ташкилотларнинг 2003 йилдаги 9 ойлик фаолияти кўриб чиқилди.

-Юртимизнинг барча ҳудудларидаги оилаларда тиббий маданиятни ошириш, оналар ва болаларнинг соғлигини мустақкамлаш, соғлом авлоднинг туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш юзасидан ўтган 9 ой мобайнида анча ишлар амалга оширилди, - **Лекин, “Соғлом авлод учун”, “Республика Болалар жамғармаси”, “Камолот”, “Маҳалла” жамғармаси, жойлардаги ҳокимликлар ва хотин-қизлар кўмиталарига**

қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш, балоғатга етмаган ва тарбияси оғир ёшлар орасидаги тарбиявий ишларни кенг кўламда ривожлантириш масъул идораларнинггина эмас, балки барчанинг вазифаси. - деди мажлисда сўзга чиққан, Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш комплекси котибияти мудири Т.Норбоева.

Шунингдек, йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустақкамлаш, болалар тарбияси, туғиш ёшидаги аёллар ҳамда, ўсимир қизларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, уларнинг оилада ва жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий мақомини ошириш юзасидан амалга ошириладиган вазифалар ҳақида келишиб олинди.

Ўз мухбиримиз

Ахборот

ЭКОЛОГИЯГА БАФИШЛАНДИ

Яқинда “Шератон - Тошкент” меҳмонхонасининг мажлислар залида “ЭКОСАН” Халқаро жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Республика “Маънавият ва маърифат” маркази билан ҳамкорликда Халқаро конференция ўтказилди. Бундан мақсад Марказий Осиё халқла-

рининг табиатга бўлган муносабати, бой тарихий қадриятларимиз асосида аҳолида экологик маданиятни шакллантириш, хозирги замон талаблари асосида экологик таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш, “Экология, маънавият, маданият: тарих ва хозирги замон” мавзусидаги экологик муаммоларни ҳал этиш-

га қаратилган. Конференция ишида фан, адабиёт, маданият ва санъатимизнинг йирик намойендалари, вазирликлар, идоралар, жамоат ташкилотлари, Ўзбекистондаги дипломатик корпуслар ҳамда Халқаро ташкилотлар, маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Ўз мухбиримиз

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО БАДИИЙ КЎРГАЗМАСИ - БИЕННАЛЕ - 2003

2003 йилнинг 2 октябрдан 7 октябргача Ўзбекистон Бадий Академиясининг Марказий кўرғазмалар залида Ўзбекистон Бадий Академияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида “Обод маҳалла йили” га бағишланган II-Тошкент Халқаро Бадий кўрғазмаси - Биеннале 2003 ўтказилди.

Халқаро кўрғазмадан 23 давлатдан келиб қатнашган 56 та таниқли rassomларнинг 250 та асар-



Юртимизда болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилгани беҳиз эмас. Спорт-фарзандларимизнинг жону дили. Берилиб футбол ўйнаётган мана бу болакайларни қаранг!

Эҳтимол, келгусида шуларнинг орасидан Э. Абдураимов, М. Қосимовдек Ўзбекистоннинг доврўғини дунёга танитувчи машҳур футболчилар етишиб чиқар?

Суратчи: М. Мирсодиков

латлардаги маданият ва санъатнинг қай даражада ривожланганлигини, бир-бирлари билан яқинликларини кўрдилар. Кўрғазмадан қўзланган мақсад томошабинларга хозирги замон тасвирий санъатини намойиш этиш ва халқлар ўртасидаги дўстона муносабатларни янада ривожлантиришдан иборат.

Л. АҲМЕДОВА

МЕҲР ҚОЛУР...

Тўй яхши нарса-да, тўйга отланаркансиз, олис йўллар бирданига яқин бўлиб қолгандек туюлади. Тўйга кетаётиб ана шу фикрлар оғушида йўналиш таксилари тўхтайдиган бекатга йўл олдик.

- Ана, бизга иккита йўловчи керак эди-да. Қани чиқинглар, - деди ҳайдовчи хушмуомалалик билан. Афтидан, қолганлар ҳам тўйга кетаётган эдилар. Тўрт нафар ҳар хил ёшдаги йигитлар башанг кийиниб сал четроқда чекиб туришарди. Сал одмироқ кийинган уч йигит кўлларидаги гилам билан машинада ўтиришар, ўзаро гаплашишарди.

Ҳалиги башанг ака-укалар йўлда баралла гаплашиб кетишарди.

- Бугун "Мерс"им бир дам олади-да. Тўйга машина миниб борсанг ҳали уёққа, ҳали буюёққа жўнатаверишади, - деди энг каттаси.

- Менинг "Форд"им ҳали устакхонада ётибди. Олиб чиқишга вақт йўқ, - деб сўзга кўшилди яна бири. Биз келгунча улар бошидаги ва охиридаги ўриндиқларни банд қилиб олинганлари учун биз ўртада кетардик. Икки томондаги йўловчиларнинг сўзларига эса гувоҳ бўлишга тўғри келарди.

- Ака, Вали аканинг уйдаги биз чизган нақшларга, айвондаги ганчор безак-

ларга келганларнинг ҳаваси келса керак-а?

- Э, ука, Тошкентда бундан ҳам зўр уйлар бор, ахир. - Ие, ахир биздан зўр ус-



Кулоққа чалинган гаплар

талар ҳам бор экан-да, а? - дерди содагина ўспирин. Ана шу мулоқотлар аро манзилга етиб ҳам келдик. Ана шунда кўрганларимдан лол қолдим.

Ҳалиги тўрт ака-уканинг башанги аввалроқ тушди. Ёнидан бир даста пул олиб ўзига тўлади. Кейин сиграет тутатди. Қолган иккитаси ҳам ўзига пул тўлашди. Тўртинчиси эса ёнини кавлаб пул топа олмади.

- Э, менинг пулим қора костюмимда қолибди-да, аттанг. Менга ҳам тўлиб юборинглар, - деди у акаларига мўлтираб.

- Бирам ландавурсан-ей, доимо сен учун биз пул тўлаймиз. Меники ўзи камрок. Ҳали тўёнага ҳам пул керак, - деб тўнгиллади боя бир даста пулни санаб турган акаси. Қолганлари ҳам нимадир деб вайсашди.

Орқадаги ака-укалар эса улардан кейин тушди. Акаси гиламни укаларидан бирига тутқазди. Чўнтагидан пул олиб ҳайдовчига тутди. Укаси эса:

- Акажон, ундай қилманг, мана, пулимиз бор. Кўйинг, сиз гиламга ҳам пул бердингиз. Бешта фарзандингиз бўлса! Нукул бизларга пул тўлаб юрасиз-а? - деб уни қайтармоқчи бўлди.

- Нима бўпти, укам. Мен сизларга ота ўрнида отаман. Сизларга беришим

шарт. Бу менинг акалик бурчим, - деди гиламни олиб йўлга тушаркан.

Ҳамма бирин-кетин ўз манзилига тарқалди. Мен эса ҳамон шу ака-укаларни ўйлардим.

Башанг ака-укаларда ҳамма нарса - машина, пул борлиги кўриниб турарди. Аммо уларда инсон учун энг зарурий шарт - меҳру оқибат йўқ эди.

Хунарманд ва уста ака-укалар оддий эканлиги кўриниб турибди. Аммо, меҳрибон ва оқибатли эдилар. Ака-укалар ўзаро гапхўр эди. Мен шуларга ҳавас қилдим.

унинг ичи эски-туски нарсаларга тўла эди. Беихтиёр унинг ичини титкиладим. Кўлимга онам ўз кўли билан ясаган эски урчуқ илинди. Қорайиб кетган, учиди бир кулоқгина

йигирилган ип ўралган, онамнинг бармоқ излари қолган бу

урчуқни силаб ўпдим. Кўзларимдан оқаётган соғинч ёшлари аро онам кўз олдимга келди. У қиш тунлари иссиқ печка ёнида ўтириб қор ёққан тунларида тинмай шу урчуқни йигирарди. Тоғ-тоғ турли рангдаги жунлар, зум ўтмай калава-калава ип-ларга айланарди. Биз уларни копток қилиб ўрашни яхши кўрардик. Кейин бу иплар ҳар биримиз учун нақшли пайпоқларга, бежирим нимчаларга айланарди. Умуман, кўли гул онам пул сарфламай рўзгор тежашга ҳаракат қиларди. Ҳамма кийимларни ўзи тикар, турли гул ёки аппликациялар билан безатиб берарди. Яна сандиқни кавлаш

да давом этдим. Бу гал кўлимга четларига бежиримгина тўр тутилган болалар бешиқчасининг гаврапўшчаси илинганди. Уни юзимга босиб йўглаб юбордим.

ГУЛБАШАКАР

(Давоми бор)

Нафталин иси димоғимга урилса болалигим ёдимга тушади. Чиройли чойшаб осилган тахминимизда буюмдан қолган кўхнагина сандиқ турарди. Ҳар замон тўй-тўйчиққа, мато керак бўлса, онам қакириб унинг қопкоғини ушлаб туришни сўрарди. Мен сандиқ қопкоғини кўтариб, латта-путталарни кавлаётган онам ортидан унинг ичига мўралардим. Эҳ-хе, нималар йўқ эди бу ерда... Менинг орзуми эса унинг ичидagi бор нарсага бирин - кетин очиб, ёйиб кўриш эди. Йиллар ўтди. 11 фарзанднинг ҳар бирига шу сандиқ ичидagi бисотлардан сарполар қилинди. Ниҳоят, ҳамма ўғил-қизлар уй-жой қилиб тинчиб кетишгач...

Унинг ичидан бошқа сарполар жой олди. Энди унинг ичида ял-ял ёнган матолар, рўмонлар эмас. Балки... Кексаларни сўнгги йўлга кузатганда зарур бўладиган оқиллар, учига пул тугилган кийиклар жой олди. Яна йиллар ўтди. Кўхна сандиққа жойлашган оқилларга ўранганларича отам

кетди. Кейинроқ эса онам ҳам сўнгги манзилларига равона бўлишди. Мен ичидагиларни ёйиб кўришга бир вақтлар шу қадар маҳтал бўлганим эски сандиқ чордоқдан жой олди.

кетди. Кейинроқ эса онам ҳам сўнгги манзилларига равона бўлишди. Мен ичидагиларни ёйиб кўришга бир вақтлар шу қадар маҳтал бўлганим эски сандиқ чордоқдан жой олди.

кетди. Кейинроқ эса онам ҳам сўнгги манзилларига равона бўлишди. Мен ичидагиларни ёйиб кўришга бир вақтлар шу қадар маҳтал бўлганим эски сандиқ чордоқдан жой олди.

кетди. Кейинроқ эса онам ҳам сўнгги манзилларига равона бўлишди. Мен ичидагиларни ёйиб кўришга бир вақтлар шу қадар маҳтал бўлганим эски сандиқ чордоқдан жой олди.

кетди. Кейинроқ эса онам ҳам сўнгги манзилларига равона бўлишди. Мен ичидагиларни ёйиб кўришга бир вақтлар шу қадар маҳтал бўлганим эски сандиқ чордоқдан жой олди.

кетди. Кейинроқ эса онам ҳам сўнгги манзилларига равона бўлишди. Мен ичидагиларни ёйиб кўришга бир вақтлар шу қадар маҳтал бўлганим эски сандиқ чордоқдан жой олди.

кетди. Кейинроқ эса онам ҳам сўнгги манзилларига равона бўлишди. Мен ичидагиларни ёйиб кўришга бир вақтлар шу қадар маҳтал бўлганим эски сандиқ чордоқдан жой олди.

кетди. Кейинроқ эса онам ҳам сўнгги манзилларига равона бўлишди. Мен ичидагиларни ёйиб кўришга бир вақтлар шу қадар маҳтал бўлганим эски сандиқ чордоқдан жой олди.



Онамнинг сандиқини очганда...

Кадрли муҳлис! Ҳаёт ана шундай - юқорида ҳикоя қилинган воқеалар вақтлар - аро ўтиб кетаверади, шундай эмасми? Бу янги рунлар остидаги материаллар юрагингизни жунбушга келтирган бўлса, хотиралар дарёсига фарқ қилган бўлса, ёдингизга ярқ этиб тушган воқеа-ҳодисалардан бизга ёзиб юборинг. Эслашайлик, фикрлашайлик.

(Боши ўтган сонларда.)

75. Ҳўғлим, боғчадошинг, синфдошинг, мактабдошинг, курсдошинг, мучалдошинг, қуролдошинг, ёстиқдошинг - сенинг тукқан-туғишганларингдек, қон, жон қариндошларинг... Сўнгги боғча машгулоти... Оқ теракми, кўк теракми - уйинлари, биринчи, сўнгги кўнғирок, хайрлашув кечаси, талабалик кечаси, мушоира, бахшлашувлар, 2-3 йил бир хона, бир қазарма - ертўладаги чорпога ётган тунлар, оталик-оналик бахти учун, ширин хотиротлар айтиб, узун тунги кечалар, касбинг орқасидан қувонган дамлар, бари-бари умр сўқмоқ йўллар безаги. Улардан ака-укалик, опа-ука, ака-сингил деган дўстлик ришталарини узма, ришталарга тугун туширмай, уларни йўқлаб юр! Йўқлаб бор, тақлиф эт ўғлим!

76. Ҳўғлим:

Сизлардирсиз дилбандим, Қалбим, ҳам меҳрим, асал қандим.

Сизлар пайдо, ҳаётим гўзал, Фаҳрим, сизни элдан

ўргандим.

77. Ҳўғлим, эл-юртни кўр! Эл - кўп миллатли, эл-бозорчи: бозор - ҳаётнинг, жамиятнинг гултожи. Одобли инсонни, шунинг учун, бозор кўрган йигит, дейдилар. Миллатларни кўраверсанг, ўз миллатининг қадрини сезасан, қадрайсан, қадрига етасан. Юрт кўрсанг, ўз юртининг жамоли, латофати, таровати, тупроғи, об-ҳавоси, мусоффо омонини ҳис этасан. Бор вужудинг билан,

юртининг бағри кенг Ватан эканлигига ишонч ҳосил қиласан, ихлосинг ошади, нон-тузини оқлашга, ўз-ўзингни қайта-қайта жазм этасан!..

...Хатто, ўзга юртда, ўз ганимларингни кўриб қолганингда ҳам, юракдан яхши кўрсанг, диллинг, кўзинг ёш олади, дил-диллинг билан кечира оласан! Кучиб, булвонч, шодлик ёшларни чечранг узра думалаб, бўсалай бошлайдди. Ҳўғлим, бунни соғинч, Ватан меҳри дейдилар! Эл-юрт - Ватан меҳрига етмаганлар: ватангадолар! Ҳаддан ташқари ичиб, чекиб хотирасини бой берган ичувчи, наркоман жинчилардир! Сенинг улардан олисроқ юриб, қилмишларидан нафратланиб юришинг, менинг, Ватанимнинг фаҳри, қувончларимиздир, жон ўғлим! Мудом бундай фазилатли нобахорлардан мустасно бўл!

78. Ҳўғлим, келинни қанчалар севсанг, яхши кўрсанг, ота-онасини, оға-инисини ҳам шунчалик хурматини жойига қўй! Келин одобли бўлса, қайнона-қайнота яшаради. Қайнона-қайнота ширин тил, дил бўлса, келин униб-ўсади, ўғлим! Ҳўғлим, ўз оға-инингни ҳам камситма! Кеманинг 2 томонини ушлаган фарқ бўлади дейдилар! Ёлгон гап! Ахир, кеманинг қоқ ўртасида туриб, 2 томонини ушлаб, эшакларини бараварига ишлатсанг, меҳнат бўлсанг, кема тўғри йўлида давом этади. Сени ҳалокатга элтмайди, манзилинг олиб чиқади. Ҳўз оға-ининг, келин авлодидан ўн саккиз йил аввал тағнидан, кўтариб оқилчаган, тетапо-ялатиб, мурғак қўлчаларингдан ушлаб юритган, нон чайнаб берган, гапиртирган, гапирганингда этига сиймай қувонган ўғлим! Ҳар икки авлодининг хурматини ўрин-ўрнига қўйиб бор! Бунинг учун инсонийлик ақл - аҳил-фаросатинг, буюк қудратинг ўзингда муҳассам! Бу борада ёрдамга, шукр, муҳтож эмассан!

79. Ҳўғлим, алданма! Баъзи



Ҳўғилларимга...

одамлар, алдамчи, ёлгончи дунёнинг шайтонларидир. Пул бериб, гул бериб, қўл бериб, қўл бўлиб, ёниб-қўл бўлиб, керак бўлса... тулман деб, одамлар алдамоқчи бўладилар! Ҳўғлимиз, бир кам ёлгончи дунёда алданганимизнинг ўзи каммас! Фақат, ақлли, эсли, хушли одамлар, алданади, ўғлим!

Кўр ҳассасини бир бора олдиради, деган гап бор... Тўғри бўл! Лекин кўзи, қўли, виждони поқлар кўп олдиранканлар ҳассаларини. Отангдек алдоғча, алдоғларга кўнма, алданиб, тагин виждон азобида қийналма! Отанг Эргашман, ўғлим!

Ҳақ йўлидан нолиб йўғладим.

Пойларимдан ҳориб йўғладим.

Тухматлардан ёрилиб бошим,

Элдан ортда қолиб йўғладим.

Ҳўғлим сен йўғлама!

80. Ҳўғлим, аёл

борингни йўқ қилувчинг ҳам, йўғингни бор қилувчинг ҳам! Умринг қадар келинга ишон. Ишончсизлик - муҳаббат биносини емиради. Мулланнинг нигоҳи эсингдами? Шоҳи чопонининг ўнг елкасига, Падар вақил отанг оқ ипни нинага ўтказиб, учини тугунламай, уч бора ип ўтказиб олаётганида сўрагани: Билик-Эргаш Атонинг ўғлисан... Фалончининг, фалончи исмли қизини тан маҳрамликка қабул қилдингми? Уч бора сендан сўраб, имтиҳон қилгани. Ушанда, қизариб: чехранг, пешонанг, бурнинг, ҳатто, икки дудоқларинггача тер босиб, ерга уялиб қараб туриб, тўртинчи борасида тўлик қилиб, худди мен ўргатганимдек: "Тан маҳрамликка қабул қилдим", деганинг! Бу аҳд - муҳаббат йўлининг ёригиб, ҳамон сен учун хизмат қилиб келаяпти, ўғлим! Шукр қилиб яшаб келясан, жон ўғлим!

81. Ҳўғлим, ҳаёт - курашлардан иборат - Яратиш, эл-юртининг манфаати йўлида кураш... Лекин баъзи одамлар ўз манфаати йўлидаги курашни устунроқ қўядилар, қўяптилар, чамамда. Емай-ичмай, бўл бахил, бойимасанг - мен қадрли - деяётганлар кўпайиб борапти. Хотин устига - хотин, машина устига - машина, иморат устига - иморат.

Элда бўлсин, элнинг қаторида, сенга берсин, ўғлим! Кураш! Сабрли бўлиб, кураш!

82. Ҳўғлим, борлиқ - яратмоқ, изланмоқ, иход. Иход манбаи - инсон!

Жаҳлинг чиққанида, ўзингни босиб, тўтиб ол! Ҳўғлингни қарғам тириклардан жаврама! Ҳар иккинчиси инсон учун ҳорлик-зорлик келтиради. Ҳўғилчиларимдан, элимдан, юртимдан, борлиқдан олган меҳрим қалб сатрларимнинг барча - барчаси, (эшит) сенсиан!

(Давоми бор)

Эргаш АТОВЕВ

Навоий вилояти
Қизилтепа тумани
Тошрабат ш/х

ОНАМ ДАН АСЛО КЕЧМАЙМАН...

- Сизларнинг олдингизга кела туриб иккиландим. Ўз яқинларим кўп, аммо, бу ҳақда гапириш уларга ҳам, менга ҳам оғир кечади.

- Шунчалик оғир ботади-ган қандай гап экан?

- Менга тегишли... Диллимни ҳасратга тўлдирган дард. Бу узоқ йиллар давомида мендан сир тутилган экан. Мен бунга яқинда тасодифан билиб қолдим. Энди эса нима қилишимни билмаяпман.

- Илжосиз нарсанинг ўзи йўқ, ахир.

- Бувимнинг уйда ўсдим. Тоғаларим меҳрибон, янгаларим менга ёмон гапиришмас, ҳаммаси кўнглимга қарашарди. Ота-онамнинг эса фақат сувратларини кўрганман. Уларни вафот этишган деб айтишганди. Атрофимдагиларнинг энг яхши нарсалари ва меҳрлари менга аталгани учун уларни кўп ҳам эсламаганман. Фақат синфдошларим

ота-оналари ҳақида гапиришганида юрагимда нимадир узилгандек бўларди. Аммо менга очилган иссиқ бағирлар аро бу туйғу йўқлиб кетарди. Шунинг учун эркин ўсдим. Мактабда яхши ўқидим. Болалигимдан врач бўлишни орзу қилардим. Орауим ушалиб ўзим истаган тиббиёт институтига ўқишга кирдим. Ҳозир учинчи курсда ўқияпман. Биз Жиззахдаги касалхоналардан бирига амалиётга бордим. Ана ўша ерда...



..Бир воқеа содир бўлди. Ана шу воқеадан кейин менинг бахтеълигим тугади. Ёши бир жойга борган одамга ўхшаб қолганман ҳозир. Илгариги беғам кунларим саробдек изсиз йўқолди. Боя айтганимдек ота-онами фақат сувратига кўргандим. Хуллас, Жиззахда амалиётда юрган кунларим эди. Мен катта касалхоналардан бирида жаррохлик бўйича амалиёт ўтказардим. Озми-кўпми тажри-

ба орттирдим. Бир куни навбатчиликда эканлигимда тунги соат иккиларда касалхонага бир аёлни олиб келишди. Унинг кўричаги ёрилиб кетган экан. Зудлик билан операция қилиш керак эди. Шу куни мендан бошқа жаррох йўқ бўлиб, уни ўзим операция қилишни керак эди. Вақт тигиз бўлганлиги учун иккиланиб ўтирмаздан иш бошладим. Негадир қўлларим ўз-ўзидан ишга тушиб кетар, сира ҳаяжонланмасдим. Ўта совуққонлик билан операцияни бошладим ва тезда тугалладим. Назаримда операция муваффақиятли ўтганди. Аммо, операциядан сўнг ўзимдан қалтирай бошладим. Кўнглим тўлиб йиғлагим келарди. Қандайдир туйғу, мен шу кунгача туймаган ҳис мени беморнинг палатасига бошлайверди. У уйку дори таъсирида осойишта ухлаб ётарди. Аёлнинг ёнига ўтирдим. Ишонсангиз шу лаҳзаларда бир умр излаб юрган нарсани топган одамнинг осойишталиги бор эди қалбимда. Аёлни юзларини силагим келарди. Шундай қилдим ҳам. У кўзларини очди. Унинг кўзлари таниш эди, лекин қаерда кўрган эканман, эслай олмасдим. Эрталаб бош шифокор, бошқа ҳамкасбларим келиб менинг ишимни табриклашди. Шу куни уйга учиб бордим. Бувимнинг туғилган куни бўлга-

ни учун қишлоққа кетдим. Кечкурун беморимни эсладим. Бу ҳақда бувимга гапириб бердим. Бувим бирдан ҳаяжонлана бошлади. Беморнинг исми- фамилиясини сўради. Мен айтдим, фамилиямиз бир эди. Шу пайт эсимга бир нарса тушди. Юғриб бувим иккимизнинг уйимизга кирдим. Девордаги ота-онамнинг сувратига қарагим келганди. Биласизми, ҳалиги аёл худди онамга ўхшаб кетарди.

- Аёл чиндан таниш эдимми?

- Фамилиямизнинг бирлиги, бувимнинг ҳаяжонлана бошлаши, бунинг устига аёлнинг онамга ўхшаб кетишию, менинг операциядан кейинги ҳолатларим... Ҳаммаси менда шубҳа уйғотди. Айвонда йиғлаб ўтирган бувимнинг олди-га отилдим. Унинг ниманидир яшираётганини сездим.

- Бувингиз ҳақиқатан айтди-ми?

- Йўқ, аввалига айтмади. У мендан эртасига касалхонага бирга олиб кетишимни сўради. У мен билан ўша аёл ётган палатага кирди. Аёл анча ўзига келиб қолганди. Унга томчи укол қўйилганлиги учун, кўзларини бир нуқтага тиканича ётарди. Бувим уни кўрдию:

- Ҳолниси, болам... Тузукмисан? - дея унинг юз-кўзларидан ўпиб йиғлаб бошлади. Мен лол қолгандим. Бувимни бир амаллаб тинчлантириб хонамга олиб кирдим. Бувим шунда бир ҳақиқатни айтиб, гуноҳини кечиришини сўради. Аёл онам экан! Шунинг учун қандайдир куч мени унинг ёнига бошлайверган экан.

- Нима учун у Жиззахда яшаган экан?

- У отамнинг вафотидан кейин руҳий хаста бўлиб қолган экан. Роса даволатишибди. Лекин фойдаси бўлмабди. Маҳаллада у ашула айтиб, баъзан йиғлаб кезиб юраркан. Кўпчилик бувиларимникига

кириш-чиқиш қилмай қўйишибди. Улар маслаҳатлашиб ноилож уйларини сотишиб, Гулистондан уй олиб кўчиб кетишибди. Онам эса бу вақтда Жиззахдаги руҳий хасталар касалхонасида экан. Чунки, онамнинг касали кундан-кунга оғирлашаверибди. Янги кўшнилари бувимнинг қизи борлигини, унинг касал эканлигини ҳам билишмайдди. Менинг келажагимни ўйлашиб, бу ҳақда ҳеч кимга билдиришмаган эмиш. Мана энди...

- Онангиз бу ҳақда билардими?

- У ҳалиям даволанаяпти. Кўзларидан бир меҳр бор. Бувим мени онамга таништирганда касали биров хуруж қилди. Кейин тинчланди. Олдида ўтирсан кўлларимни силайди. Мен эса унинг ёнида ҳамма нарсани унутаман. Онамнинг дардини даволатаман. Тузалганидан кейин уйга олиб кетамиз. Бувимга: Нима бўлса бўлар, менга келган совчилар айниса-айниб кетаверсин. Мен онамдан кечмайман", - дедим. - Бизни тақдир, Оллоҳнинг ўзи учраштиради.

- Бувингиз, тоғаларингиз бу қарорингизга нима дейишади?

- Ахир мен онами вафот этган деб юрардим. Ваҳоланки, бувим ҳам, тоғаларим ҳам ундан йиллар давомида хабар олиб туришган экан.

- Нима дейсиз, тўғри қилаяпманми? Ёки... Майли, сиз индаманг. Менга фақат газета мухлисларининг маслаҳатлари керак. Шу мақола-ни ёзиб чиқарсангиз бўлди. - дея қиз пастда бувиси кутаётганлигини айтиб мен билан хайрлашди.

Мен Малоҳатга тўғри қилаётганини, ҳар қандай аҳволда ҳам онадан кечиш яхши эмаслигини айтмоқчи эдим. Сизлар нима дейсизлар, азизлар!

Б.САЙИДАЛИЕВА

ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

ХАТАРАДИ ЎҲА

- Синглим Замиранинг турмуш-қурганига 7 йил бўлди, - дейди Моҳичехра исмли аёл. Эру хотин жуда иноқ, аҳил. Аммо ўрталарида фарзанд йўқ. Курсатишмаган дўхтури табиладар колмади ҳисоб. Натияжаси йўқ. Айб синглимда экан. Шу сабаб, кўпчилик ажралишилар деб маслаҳат беришяпти.

- Эру хотиннинг ўзлари нима дейишяпти?

- Айтдим-ку, улар худди Тоҳир Зухрадек. Қайнона-қайнотаси билан 5 йил бирга турди. Кувимиз яхши бир қорхонада ишлайдди, кўлида гулдек ҳунари бор. Ажралиш ҳақида гап очсак, кўнишмайди.

- Бола асраб олиш тўғрисида уйлаб кўришмаяпти-ми?

- Бу фикрни ҳам ўртага ташлаганимиз. Лекин кувимизга маъкул бўлмади. "Бировнинг боласи фарзандлик қилмайди", дейди. Охири уйлаб уйлаб бир қарорга келишибди. Бу сирни фақат менга айтишди, ёрдам беришимни илтимос қилишди.

- Қандай йул тутишмоқчи?

- Бирорта аёл билан вақтинча никоҳдан ўтиб, фарзанд қўришса, болани синглим бо-

қиб олмоқчи экан. Албатта ўша аёл розилиги билан. Мен бирор нарса дейишга ҳайрон бўлиб қолдим.

- Қайдам? Аммо бунинг орқасидан келадиган қанчадан-қанча кўнглисизликларни тасаввур қилаяпсизми? Дейлик, фарзанд туғиб бераман дейдиган аёл кувингизни яхши кўриб қолса, ёки мол-мулк талаб қилса-чи? Сендан ажрашмайман деб туриб олса бир дард минг дард бўлмайди-ми? 9 ой қорнида катта қилган боласини осонликчи бериб кўяди деб ким қафолат беради? Кувингиз ҳам бола сабаб у аёлга меҳр қўйса-чи? Бу ишларга аралашсангиз сизнинг ҳам гулдек оилангиз барбод бўлиб кетмайди-ми?

- Бу томонларини уйлаб кўрмабман, - деди аёл.

- Сиз яхшиси уларга бориб бу гапларни етиги билан тушунтиринг. Бундай қадам бахтсизликка дучор қилиши мумкин, синглим. Бу ҳақда мухлисларимиз нима дейишаркин?

Ҳ.ХОТАМБОЕВА

МЕҲР БУЛОҒИ

- Газетанинг 31-сонида "Ҳаммасига розиман" сарлавҳали мақола чоп этилган эди, - деди кириб келган аёл. Ўшани ўқиб жуда таъсирланиб кетдим.

Унда З. исмли бухоролик қиз: "Ўгай отам уйдан чиқиб кет, - деди. Онам ҳам мени ёмон кўради. Меҳр-са зорман..." - деб ёзибди. Мен ўша қизни ўз қарамомимга олмоқчиман. Уч ўғил, бир қизим бор. Шу боис қизимга сингил бўларди. Биз оилада тўрт қизимиз. Бирор тўй-маърака қилсак бир-биримизни суйаймиз. Бамаслаҳат иш қиламиз. Қизимнинг келажагини уйлаб шу қарорга келдим. Икки ўғлимни уйлаб, қизимни узатганман. Уйда ўнинчи синфда ўқийдиган ўғлим қолган. Ҳовли-жой энди шуники.

- Бировнинг боласини боқишга қурбингиз етадими? Боз устига қиз болани... Ўзига яраша ташвишлари ҳам бор.

- Бировнинг боласини

боқишга қурбингиз етадими? Боз устига қиз болани... Ўзига яраша ташвишлари ҳам бор.

- Етади, чолим бир гектар узумзорга қарайди. Менинг эса майда-чуйда сотадиган кичкина дўкончам бор. Қозонимиз қайнамаган кун йўқ. Қолаверса, ҳар кимнинг ризқини Худо беради. Керак бўлса, ўша қиз меҳрга ташна бўлса, унга мен меҳр бераман. Мени тутунган онам деб билса бас.

- Шу фикрингиз бор экан болалар уйдан бола асраб олсангиз бўларди-ку!

- Энди "Болалар уйи"дан олиш учун югур-югур қилиш керак. Бунга меҳрини вақтим йўқ. Бу қиз эса ўз уйда ўзини ортиқча ҳис этапти. У ҳимояга муҳтож. Менга айнан ана

шундай қиз керак.

- Мабодо бухоролик қиз тақдирингизга рози бўлмаса-чи?

- Унда зорим бор-у, зўрим йўқ. Ниятим бир инсонни бахтли кўзларини кўриб, қувониш.

Аёл билан анча гаплашдик. Унинг исми Моҳира бўлиб, у Тошкент туманида яшаркан. Одмигина кийинган ўзбек аёлига нисбатан дилимда ички бир меҳр уйғонди. Юрагида, кўзларидан, сўзларидан меҳр бисёр. Шундай меҳр булоғи ҳар биримизда бўлмоғи муқаррар. Ҳар биримиз ҳам ана шу булоқнинг кўзларини очишда ҳафсала қилсак эди, ора-мизда бахтлилар сафи нақадар кўпаяди, шундай эмасми?

Тоҳир НОРИМОВ

Синглим Шохидахон! Дил сўзларингизни ўқиб хайратда қолдим. Нахот тақдир дегани бир-бирига шунчалар ўхшаш бўлса?! Эндигина 24 ёшни қаршилаган, ҳаётни паст-баланд йўлларида мардоналик билан боқаётган сиздек синглимга Худодан мадад тилайман. Сизнинг қисматингиз меникига ўхшаш экан. Мен ҳам болалар фалажи ДЦП касаллиги билан оғриганман, сабаби ота-онамнинг қариндошлиги...

Гоҳида ёлғизликдан зерикаман, дилдан сужаблашадиган дугонам, сирдош дўстим бўлишини истайман, мен ҳам. Ҳозир ёшим 26 да, ҳаёт йўлларимда онамдай меҳрибон дўст излаётганингизни ўқиб бошим осмонга етди. Худо насиб қилса, мактаб орқали яқинроқ танишиб қолармиз деган умиддаман...

Бу ҳаётда мендек, сиздек тақдирига аччиқ қисмат билан қанчадан қанча қалби армонга тўлган инсонлар бор. Аммо, лекин улар билан қизиқадиغان бир инсон йўқ. Қизиқтирмайди ҳам. Чунки биз ўша 7 мучаси соғ инсонларга тенг келолмайми. Ахир уларнинг қаноти қайрилмаган, қайрилмасин ҳам... Аслида дунёнинг ўзи қизиқ, кимгадир тўла бахт берилган, кимнингдир бахти

ярим. Биз-чи, бахтга эгамизми? Гоҳ қалб йўқ дейди, гоҳида бир бутун бахтни бағрига босиб йиғлайди. Бу онамнинг борли-

тсизлигимизни оламга ёйиш учунми?...

Шохида, баъзида қалбим йиғлайди, армонга тўламан. Бахтимдан, севган инсонимдан ва орзуларимдан айирган бу

мон соя бўлса инсонга. Кўрдим-кимдир ота-онага зор, яна кимдир фарзандга, севган инсонига. Булар армон. Лекин аслида Армон, ўзгаларга муҳтож бўлишинг. "Мен бахтсизман!" - деб жар солаётган инсонлар кўчада кетаётганда

қанотидек қайрилган тим қора қошлар, охунинг кўзларидай беғубор кўзлар, соппа-соғ қўлу оёқлар... Улар сизнинг гўзаллигингизни ошкор этмоқда. Сизга насиб этилган оилани тилло оstonаси келинликнинг оппоқ либоси - у сизга тақдир этилди Оллоҳдан. Кўлингизда фарзандингиз келажақ пойдевори бу бахт эмасми?..

Бу сўзларим кўнглингизга оғир ботиши мумкин, ўз қарачи билан ўлчаяпти дерсиз, адашаётгандирман, балки... "Бирни кўриб фикр қил, мингни кўриб шукр қил", - деган нақл бор. Оқшом дераздан юдузларга боқаман. Тун кўйида ўз сирларимни ойга айтиб ёлвораман. Қани эди бир мuddатга оёқларим соғайиб кетса, ўз оёқларим билан ерининг тафтини сезсам. Онамнинг хизматини қилсам. Бундан ортақ армоним йўқ.

Газетларда ўқиб қоламан, телевизорда кўраман - гиёҳандлик билан шуғулланган инсонларни, СПИД билан оғриган меҳроларни ҳам даволоччи мутахассис врачларга тавсия этишади... Нахот энди биздек ногиронларни ёрдам тариқасида даволоччи мутахассис врачлар йўқ бўлса, бизни даволашмасам... Мурувватли инсонлар топилавермади дунёда? Қани энди бизларга ёрдам берувчи инсонлар бор бўлса! Шохидахон, сиз билан дўст тутиномқиман, менга хат ёзинг.

Шаҳзода АБДУҲАКИМОВА
Фаргона вилояти
Ёзёвон тумани
Ўзбекистон ж/х

ҚИСМАТИМИЗ



«ЯШАШНИ ЎРГАТДИНГ БАҲОР» 18-сон

Эслатма: Мактабда пайтимда фалаж касаллигига йўлиқдим. Одамларнинг кулиши эса қалбимни вайрон қилиб юборарди. Онам чопон тикишни ўргатди. Ўзим китоблар ўқишни яхши кўраман. Фақат дўстларим йўқлигидан ўқинаман, холос.

Хулқар

ги, уларсиз бахтни тасаввур этолмайман. Кўрдим, бахти бутун, бахти яримни, жиндек бахтсизликдан дод деб ҳаётга жар солиб, надомат чекадиган инсонларни ҳам. Аслида дунёга нима учун келамиз, ўзгаларнинг устидан кулиш учунми ёки бах-

БИР ЭКАН

дардга минг лаънат айтаман. Бу дард, гарчи у мендан кўп нарсани тортиб олган бўлса-да, менга яшашни, бардошни, сабр-матонатни ўргатди. Энди бу дардни йўқотишдан кўркаман, кўркаман... Бу дардимни ҳеч кимга бергим келмайди, шу дард билан бахтлиман...

Аслида бу ҳаётда яшашига ўргатган чиннакам дўст - Китоб бўлишини ҳамма тенгдошларимдан аввалроқ англаб етган бўлсам керак. Энг севимли китобим, Теадор Драйзернинг "Женни Герхард" асари. Женитдек матонатли, соф севги эгаси бўлишга интиламан...

Гоҳида армонлар ўз исканжасига олади. Оқ либосга бурканган бахт, кўнгил қасрини ёлғиз тахтада йиғлаган севги - булар ҳаммаси мени йиғлатади. Бардошни бағримга босаман, тун кўйида ойга қараб ёлвораман...

Бу ҳаётнинг сўлмоқ йўлларидан кетаётган инсонларнинг ортидан эргашаётган армонни кўриб хайратланаман. Нахот, нахот, ар-

кўрганмикан ногирон инсонни? Бир оқсоқланиб кетаяпти, яна бири ногирон аравачасида ўтирибди. Уларнинг кўзлари куладди, қалби йиғлайди. Аслида сиз улардан бахтсиз эмассиз-ку? Қанотларинг қайрилган эмас-ку? - Болаликни шўх-шодон кўчаларини чагитиб юргансиз, илқ мактаб остонасида ўзингизга ўхшаган тенгдошларингизни кўргангиз ёдингиздан чиқдимиз? Балоғат ёшида дунёни ранг-баранг олами ўзгача кўринганини унутдингизми? 16-17 ёшингизда илқ муҳаббатнинг сирли олами кўзларингизни қамаштиргани - чи булар бари ёдингиздан кўтарилдими? Ўша вақт бахтли эдингиз-ку...

Бизлардек болаликнинг кўчаларидан кўз ёш билан қайтиб келмагансиз. Илқ мактаб даврида тенгдошларингизнинг масҳарали кулгиларига қолмагансиз. Балоғат ёшида илқ муҳаббатни қалбингизнинг ҳеч кимса билмайдиган тубига яширмагансиз. Қақди-қоматингизга ярашган либосларни кийиб, муҳаббатни кўларингизда тутганча кетаётганингиз бахтли дамлар эмас-миди? Нега энди бахтсизман деб йиғлайсиз?..

Кўзгудаги аксингизга боқинг - қалдирғочнинг

Албатта аёл ёлғиз қолса ўзини-ўзи эплайди, уй-рўзгор ишлари билан банд бўлади, не варақларига қарайди, вақт ўтганини ҳам билмайди. Эракка киши кўчанинг одами бўлгани учун айниқса умр йўлдошини йўқотганидан кейин аросатда қолади. Эракка ўзининг ички дарди, ҳасрати ёки ютуғини турмуш ўртоғи билан баҳам кўради. Болалар фақат ўзларининг манфаатларини кўзлаб, оталарига қаршилик кўрсатишса, отаси ёқтирган аёлини олиб бермай, ўзга аёлни рўбару қилишларини мен ҳазм қила олмадим.

Уйланиш - эр билан хотиннинг ўз розиликлари билан гўзал ҳолда яшамоқ учун бири иккинчисига ёрдамчи бўлишга ваъда бериши демасдир. Инсоннинг қомил бўлиб етилмоғи учун унга бир умрлик йўлдош керак бўлади.

Турмушда учрайдиган қайғу-ҳасратларни эр ва хотин баробар чекишади, даф қилишга қарор қилишади, севинч шодлик пайтларда баробар шодланишади. Рўзгорда икки қўл ўрнига тўрт қўл бўлгани учун уй интизомни яхшиланади, пул мол-мулк керакли ерда сарф қилиниб, оиланинг саодати бошлиғи деб ҳис этила бошлаган эракнинг топгани баракали бўлади. Халқ мақолида: "Эрни эр қилган ҳам хо-

тин, қора ер қилган ҳам хотин", деб бекорга айтмаганлар. Уйланмаган одамлар қанча давлати бўлмасин йўлдошсиз, ёрдамчисиз, маслаҳатчисиз қоладилар. Кўнгиллари ҳар вақт тавиш ва изтироб ичида бўлади.

Фарзандларнинг ота-оналари олдидаги вазифаларининг асоси-неъматга шукрона, яъни кўрган эзгуликка қарши эзгулик қилишдир. Оталаримиз бизнинг фақат дунёга келишимизга сабабчи бўлиб қолмасдан, минг машаққатлар чекиб бизни ўстирадилар, қучоқларига олиб ухлатадилар, йиғлаган пайтларимизда йиғидан тўхтатиш учун бутун кучларини сарф этадилар. Касал бўлганимизда бошимизда гирди-капалак бўлиб, бутун роҳатларини йўқотадилар, тузалиб кетишимиз учун ҳамма чорага киришадилар, еядиган, ичадиган, қиядиган нарсаларимизни ҳозирлаб кўни-қўшни, қариндош-уруғлардан зиёда қиладилар. Уқитадилар, тарбиялайдилар, одоб-

ахлоқли бўлиб етишмоғимиз учун бутун куч-қувватларини сарф қиладилар. Ўсиб-улғайганимиздан кейин бошимизга мушкул ишлар тушганда ва оғир кунларга қолган вақтимизда тасалли берадилар, кўнглимизни кўтардилар. Шод-хуррам бўлган чоғларимизда шодлигимизга ше-

рик бўлиб, номул ва шарафимизни сақлайдилар. Биз болаларини, бахтли, саодатли бўлишимизни тилайдилар. Бизга озгина эзгулик қилган кишиларга эзгулик қилиш бурчимиз экан, шу қадар эзгулик қилган ота-оналаримиз олдида биз фарзандларнинг бурчларимиз жуда ҳам юқоридир. Шунинг учун уларнинг розилиklarини, таҳсинларини олишимиз, иззат ва обрўларига путур етказадиган ярамас ишлардан сақланишимиз керак. Болаларимизни бизни ҳурмат этишларини тиласак, албатта, ота-онамизни ҳурмат қилишимиз, буйруқларини бажо келтиришимиз, ранжитмаслигимиз ҳам фарз, ҳам қарзидир". Шундай экан келинг, бундай ишларни фақатгина оилада эмас балки кўпни кўрган фаҳм фаросатли маҳалла оқсоқоллари билан маслаҳатлашиб иш кўрган яхшидир.

Мухаррам Носиржон қизи
Тошкент шаҳри

Кўнгиладан СЎВ илади

"КОЛГАН КЎНГИЛНИ ОВЛАБ БЎЛМАС" 34-сон, 2003 йил

ЭСЛАТМА: Хотиним вафот этгач ўзимни ёлғиз ҳис эта бошладим. Бир аёл билан гаплаша бошладим. Аммо, фарзандларим у аёлга уйланишимга рози бўлишмай, бошқа аёлни олиб беришди. У жанжалкаш беодоб аёл экан. Мен ёқтирган аёл эса турмушга чиқиб кетди.

Нодиржон ҚАРИМОВ

Тошкент шаҳри

Бу мақола кўлимга қалам олишга мажбур этди. Нега биз ўзбекларда 17 ёшдан кейин қизларни узатиш одат бўлиб қолди? 20 ёшлардан кейин ўтириб қолган дейишади? Мен ҳам 20 ёшимда турмушга чиқаман, деб орзу қиламан. Нега биз ўзбекларда бир йилдан сўнг келин тугмасга тугмасга чиқариб қўйишади. Мен турмушга чиқётганимда куёв билан гаплашиб оламан. Бир йил ўйнаб-кулайлик, иккинчи йилгача мустақил оила боқишга қурбимиз етганда, нечта фарзанд керак бўлса боқаверамиз. Ҳозир ота-оналар фарзандларидан тезроқ кутулиш йўлларини излашяпти. Ахир ёшлик бошқа қайтиб келмайди-ку? Ота-оналаримизга ҳам айтар, гапим бор.

Азиз ота-оналар! Илтимос ўғлингизни ёки қизингизнинг тўйини уларни ризолиги билан бошланг. Шунда сиз ҳам ёш келин-куёв ҳам хурсанд бўласиз. Энди С.нинг аҳволига қайтсак. Унга ҳозир жуда қийин. У бор ҳақиқатни онасига айтиши керак. Ва севгилисининг уйига совчи юбориши керак. Албатта ҳозир уйланмайди, оқ ўратиб қўяди. С. сиз ҳақиқатан ҳам у қизни севар экансиз. Мен сизни

МЕН СИЗНИНГ ЎРНИНГИЗДА БЎЛГАНИМДА...

"У менинг борлигим" 2-сон 2003 йил

Эслатма: Бир қизни ёқтирмаман. 17 га тўлган бу қизни узатишмоқчи. Мен уйланишга хали тайёр эмасман. Агар уни яна икки йилча узатмай туришганида биз бахтли бўлардик.

Фарзандлари кўнглига қарашса бўлмайдимми?

С.

ўрнингизда бўлганимда қизнинг онасини ёнига бориб ҳақиқатни айтардим ва керак бўлса онамни олиб борардим. Мен сизга бир воқеани айтиб берай. Опачамнинг синфдоши Озода билан Аҳмад етти йил севишиб юришди. Қизни онаси тўйга норози бўлиб бошқа йигитга бериб юбормоқчи бўлганда Аҳмад бориб ҳақиқатни айтиб берибди. Онаси барибир Аҳмадга берди. Уларнинг тўйлари 2002 йил 26 октябрда бўлиб ўтди. Улар ҳозир жуда бахтли. Озоданинг онаси ҳам биларди ва қизига: "Аҳмад сени алдаб юрибди", - дейди. Аммо Аҳмад ундай қилмади. Озодани тўй қилиб олиб кетди. Яна бир бор сизга айтаман. Бориб севгилингизнинг онасига айтинг, керак бўлса газетани уларга олиб бориб ўқитинг. Кейинги ҳаётингизни ёзиб юборинг.

Тошкент шаҳри

Манзура

ТАБРИКЛАР, ҚУТЛОВЛАР!

ЭЪЛОНЛАР!

Ўғлим Хусниддин!

Сени 23 ёшинг ҳамда олийгоҳга ўқишга кирганинг билан чин юракдан табриклиман. Келажақда кўшиқ куйлаб, эл ардоғида юргин! Даданг, онанг ва ака-укаларинг

Кизим Рафинажон!

Сени туғилган билан чин дилдан табриклиман. Аяжонинг Раънохон, Термиз шаҳри



Хурматли Б.Шарифов!

8 октябр туғилган кунингиз билан табриклимаймиз. Сизга узок умр, келажақдаги ишларингизга муваффақиятлар тилаймиз.



Хурматли Озодаҳон Нурсаидова!

Туғилган кунингиз муबारак бўлсин. Самимий севги, покиза муҳаббат ҳамisha ҳамроҳингиз бўлсин. Санъатнинг юқори чўққиларини забт этиш насиб этсин, деб сизни севувчи миллионлаб мухлислар номидан Зарифахон Боймурод кизи.



Вилоят қурилиш-таъмирлаш очик хиссасдорлик жамиятининг барча аъзолари. Қашқадарё вилояти.

ЭЪЛОН! Яқкасарой туман марказидаги икки қаватли, сауна ва бассейни бор кичикроқ, янги ҳовли сотилади. Тел: 55-88-97

Самарқанд марказидаги (8-Март фабрикаси яқинидаги) барча замонавий кулаликларга эга бўлган 4 хонали, катта айвонли, 4 сотих ери бор ҳовли Тошкентдаги Юнусобод туманига қарашли 2-3- қаватда жойлашган, 2 ёки 3 хонали квартираларга алмаштирилади.

тел: 133-04-50, 133-28-20

Тоғларда нима кўп, ўнгирлар кўп. Чотқол тоғларида ов қилиб юрадиган Расулмат овчи бир кун и ўнгирларнинг биридан жуда кўп миқдорда асал топиб олибди. Тоғ асаларилар жуда аёвсиз чиқади.



Улар ўзларининг масканларини шу қадар эҳтиёт қилишгани учун унча-бунча одам уларни топа олмайдди. Расулмат овчига эса асални топишга кўнгил айик ёрдам берибди. Ха, айикнинг худди ўзгинаси. Расулмат овчи бир кун и ёввойи узум тергани тоққа чиқади. У саватини узумга тўлдириб энди қайтмоқчи бўлиб турганида дарахтлар орасида тик турган жунли жониворни кўриб қолади. Каттакон ёнғокнинг ортига ўтиб, уни кузатади. Савати эса шундоққина сўкмоқнинг устида қолиб кетади. Овчи қараса у кўнгил айик экан. Айик тик турганча узум бошларини чангаллаб еяётган экан. Кейин у сўкмоқдан тўрига қараб келаверибди. Саватнинг олдида келиб ваҳимали қилиб ўқиради. Саватдаги узумларни паққоз туширгач, саватни майда-майда қилиб ташлайди. Кейин шу яқиндаги кираверишни сўмбуллар қўлаб олган горга кириб кетади. Овчи эса унинг орти-

дан йўлга тушади. Айик горга кириб анча йўқ бўлиб кетади. Овчи эса:

- Бу ерда айикнинг уяси бўлса керак, - дея шубҳаланиб, гор рўпарасидаги ёнғокнинг устига чиқиб олиб уни пойлайди. Айик анчадан кейин чиқади. Гор оғзидаги булоқнинг ёнига ўтириб панжаларини ялай бошлайди. Кейин ётиб роса сув ичади. Кейин тик турганча бир наъра тортиб, паस्ता, тўқайзорга тушиб кетади. Овчи писиб ётган жойидан паस्ता тушиб белидаги шамани ёқиб горга қиради. Горнинг ичида ёввойи асалариларнинг беҳисоб уяларини, мум ва асални куради. Уйига тушиб ашагини ва флягаларини олиб келиб уч кун уйига асал ташиди.

АСАЛ ТОПГАН АЙИК

Кейин табиатнинг бу шифобахш неъматини роса пуллади. Одамларнинг айтишича у асал борлигини билан экану лекин топа олмади юрган экан. Ўша кун и айикнинг изи қолган тошни ялаб кўриб, горда асал борлигини билган экан. Овчига асал топиб берган айик эса овчининг очкўзлигидан омон қолади. У аввал айикнинг иккита боласини, сўнг ўзини отиб ўлдирди.

Табиатнинг бетакор мўл эҳсонлари ва беғунох жониворларни овчи маъна шундай фойдаланди.

Ҳамида

Бир неча ойлар илгариги бир воқеани эсласам, кунглим ёришиб кетади. Ушанда кизимнинг дугонасини кучада куриб қолдим. "Ассалом" дедию индамай кетаверди. "Наргиза, нега кайфиятинг йўқ, кизим? Уйдагилар тинч-омонми?" деб сурадим. "Ҳаммаси яхши. Фақат мен учун ёмон" деди у ерга қараб. "Нима бўлди?" дедим.

пулини тўлай деб қарасам, сотувчи урнида Камол акам жимлайиб турганмиш. Ҳаляги институтимиздаги йигит-да... У "Олинг, шу кўйлакни сизга совға қиламан" деди.

- Тушинг яхшиликка келсин, кизим. Совчилар қайтиб кетишдимми? - Кеча келишмади... Уч-тўрт кун утиб

НИКОХ КЎЙЛАГИНИНГ "СЕҲРИ"

- Уйимиздагилар кеча бор совчиларга рози бўлмоқчиймиш... - Ие, нега хафа бўласан, киз бола бундан қувониши керак, - дедим қулиб. - Биласизми... Мен институтимизда ўқиётган бир йигит билан гаплашиб юраман-да... Жуда яхши бола. Шуни уйдагиларга айтолмаяпман. Энди нима бўлади? - деб йўғлаб юборди Наргиза. Мен ҳам унинг гапидан сўнг ўйлашиб қолдим. Бечора киз севгисидан айрилиб, нотаниш жойга узатилса... Ота-онасига ётиги билан айтсаммикин? Ҳали шовшмай турай-чи? Сўнг кизга таскин бердим: - Қизим, бироз сабр қил, зора ҳаммаси жойига тушиб кетса... Икки кун утиб, Наргизани яна кучада куриб қолдим. - Шу кечаси туш курибман. Оппоқ никох кўйлагини дуқондан сотиб олаётганмишман. Бир пайт

Наргизаларникига бордим. Онаси билан яқин эдик. Унга бор гапни ётиги билан айтмоқчи бўлдим. Лекин, унинг ўзи гап бошлаб қолди. "Қизларимизга совчи келувди, суриштирсак, у йигит ота-онасининг эркатойи, мактабдаям яхши ўқимаган экан. Ҳозир ҳеч қаерда ишламасмиш" деди. Мен бу гапдан қувониб кетдим. "Кизингиз студент, балки узига ёққан йигит билан гаплашиб юргандир" дедим. Наргизанинг онаси индамади. Худди шу ойда Камолнинг оиласидан кизиникига совчи келибди, деб эшитдим. Икки ёшни унаштириб қуйишди. Наргизани учратганимда жуда хурсанд эди. "Тушимда менга никох кўйлагини совға қилган йигит билан турмуш кураяпман" деб қулди у. Ҳар бир кизга сеҳрли бўлиб куринадиган оппоқ никох кўйлаги тушга кирса ҳам хосиятли экан... Чўлпоной Меликузиева



Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар "Оила зийнати" Маркази қизларни ва келинчақларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида қуйидаги касблар бўйича ўқув курсларини ташкил этди. Марказда кам таъминланган оила фарзандлари бепул ўқитилади. Бошқа ҳудудлардан келган ўқувчилар ётоқхона билан таъминланади.

- Ўқув муддати 2 ойлик курслар.
 - Бичиш-тикиш (буюртма аҳолидан олади)
 - "Элита" усулида пардалар, чойшаблар ҳам тикиш (буюртма аҳолидан олади) • Бисерлардан фойдаланиш тикиш (буюртма аҳолидан олади) • Бошланғич компьютер билимлари ҳам (Windows 2000) • Олий даражада торт ва салатлар тайёрлаш (амалиёти билан) • Массаж (амалиёти билан) • Сартарошлик (амалиёти билан) • Косметология (амалиёти билан) • Маникюр (амалиёти билан)
- Ўқув муддати 3 ойлик курслар
 - Миллий кўрпа-кўрпачалар тикиш (буюртма аҳолидан олади) • Юмшоқ ўйинчоқлар, бешик кўрпачалари ва ёстиқчаларини тикиш • Хар хил миллий тикиш (буюртма аҳолидан олади) Ўқув муддати 4 ойлик курслар • Бичиш тикиш (бошловчилар учун) • Машинада гул тикиш (вишивка) (буюртма аҳолидан олади) • Инглиз тилида Ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

"Оила зийнати" Маркази қошидаги курсларни битирган ўқувчиларга махсус сертификат берилади. Манзил: "Халқлар Дўстлиги" метроси. Фурқат кўчаси 1 уй. Мўлжал: Республика спорт қўмитаси. Ўқитувчилар малака ошириш институти жойлашган бино 2 қават 202 хона. Телефон: 45-18-42, 98-07-78, 29-28-58

УРОЛОГ ВРАЧ, ДОЦЕНТ РЎЗМЕТОВ МЭЛС ҲОЗИЕВИЧ

ЭНУРЕЗ ХАСТАЛИГИ БИЛАН ОФРИГАН КОВУГИ БЎШ 10 ЁШДАН ОШГАН ЎҒИЛ ВА ҚИЗ БОЛАЛАРНИ БАТАМОМ ДАВОЛАЙДИ. Бўйрак, қовуқ, простата бези касалликларини аниқлайди ва ДАВОЛАЙДИ. Қабул вақти чоршанба, пайшанба, якшанба кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача. Манзил: Тошкент тумани, Генерал Собир Раҳимов номли жамоа ҳўжалиги, Бобоев кўчаси, 12-уй. "Чорсу" шохбекатидан 464, 469,522-автотубсуларнинг "Генерал Собир Раҳимов" бекатиғача борилади. Телефон: 47-86-83. Лицензия рақами 3271

Профессор Эргаш Салимов клиникаси барча турдаги аллергик, бўғин, ошқозон-ичак хасталикларини, касалланд, нимжон болаларни махсус усулларда даволайди. Бронхиал астма хасталиғида гормонал дозилар қўлланмайди. Аллергик касалликларни аниқлаб, даволашда турли аллергенларни қўйиб синалади. Иш вақти соат 8 дан 17 гача. Манзилимиз: Тошкент, Уйғур Ҳўжаев кўчаси, 4-уй, 10-хона. Автобуслар — 27, 35, 46, 53, 91. Трамвай — 8. 1-шаҳар клиникаси бекати. Тел: 49-43-33, 144-64-30.

"КАМОЛОТ-КОМПЬЮТЕР" ўқув маркази таклиф қилади.

3 ойлик курслар: - Инглиз тили, - Инглиз тили ва компьютер, - Бухгалтерия ҳисоби ва компьютер билимлари, - Банк иши ва компьютер билимлари, - Теле-радио-видео аппаратларини таъмирлаш устаси, - Рус тили, - Компьютерларни таъмирлаш устаси. 2 ойлик курслар: - Компьютер билимлари: (Windows-2000, Ms Office) INTERNET, E-MAIL, - Бухгалтерия ҳисоби, - Енглис автомобилларнинг электр қисмини созлаш. 1-С Бухгалтерия дастури — 1 ойлик. - Компьютер, принтер, телевизор таъмирлаш устаси. Курсларни тугатгандан сўнг диплом берилади. Манзилимиз: Тошкент, Навоий кўчаси-9, "Пищепром" лойиҳа институти биносининг 4-қавати. (ТРАСТБАНКнинг ёнида.) Тел: 41-33-96, 41-07-82

ЎҚУВ МАРКАЗИ: барча хоҳловчиларга 1, 2, 3, 4 йиллик юқори малакали тикувчилар тайёрлайдиган курсларга ўқишга таклиф этади

Битирувчиларга уч тилда диплом-сертификат берилади. Шунингдек, қисқа муддатли ўқув курслари ҳам фаолият юритмоқда. 3 ойлик: → Бухгалтерия, Бичиш-тикиш - 3-6 ой. → Парда ва чойшаблар тикиш ("Элита" усулида). → Эрақлар костюм ва шими. → Юмшоқ ўйинчоқлар ва сунъий гуллар тайёрлаш. → Косметология. → Қандолатчилик (торт ва салатлар). → Сартарошлик - 3-6 ой. → Уй ҳамшираси. → Умумий ва нуқтали массаж. → Инглиз тили (бошланғич курс) - 2 ой. → Радио ва телевизор устаси - 4 ой. Дикқат: марказ қошида барча хоҳловчилар учун ўзбек қолгу асбоблари (рубоб, дутор...) тугарақлари ишлаб турибди. Машгулотларни малакали ўқитувчилар олиб боради. Ўқишининг бир ойи учун — 5000 сўм туланади. Телефонлар: 98-71-98, 98-71-84, иш вақти: 9-17.00. Манзил: Ҳамза тумани, "Янгиобод" даҳаси "Мағданий моллар" базаси биносини ичида. Мўлжал: "Янгиобод" базори ва "Янгиобод" кинотеатри оралиғида. Автобуслар: 5, 23, 26, 61, 30, 48, 104, 119. Маршрутлар: "Раф": 18, 15, 29, 57, 75, 80. "Отайўл": 39, 45, 64.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги яқка тартибдаги тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги Холмуродова Мехригул Зиётовна номига берилган 0520050 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги боис БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

"Ривож - Барака" хусусий фирмасига қарашли "Ателемод" корхонасининг 1000 дан 1099 гача бўлган чеки йўқолиши сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Собир Раҳимов туманидан Джалилова Гулнисо номига берилган, 529 рақамли чек дафтар (товар чеқлари 73251-73300) йўқотилганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Ҳўжалик судининг 13.08.2003 йилдаги № 10-0304/2598 сонли Ажрими билан "Jamoasanoatexjamlashqonilis" Уюшмасини банкрот деб эълон қилиш масаласи қўрилмоқда ва унга нисбатан тугатиш ҳаракати бошланган. Ишончли шахс этиб Юнусобод тумани ДСИ вакили М.Мухамедова тайинланган. "Jamoasanoatexjamlashqonilis" иктисодий ноҳор (банкрот) деб топиш бўйича иш очилган. Ушбу корхона кредиторларининг биринчи йиғилиши Юнусобод туман ДСИ биноси 2 қават 5 хонасида 2003 йил 10 октябр соат 15.00 да ўтказилади. Белгиланган тартибга кўра, корхонанинг топширилмаган муҳри ва бурчак тамғаси бекор қилинади. Белгиланган тартибда топширилмаган корхонанинг юмалоқ муҳри ва бурчак штампи ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Манзил: Амир Темуру кўчаси, 95-уй, 2-қават, 5-хона. Тел: 137-54-85.

Беш кунлик давомида ҳаво булутли бўлиб турса-да, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ўзгарувчан ҳаво ҳарорати кечаси 3°-8°, кундузи 17°-22°, жанубий вилоятларида кечаси 5°-10° илик, кундузи эса 20°-25° иссиқ бўлади. тошкентда ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳавонинг ҳарорати кечаси 3°-8°, кундузи 17°-22° илик бўлиши кутилмоқда.

Оила ва жамият" газетасининг таҳририяти катта муҳбир Басира Сайдалиевага псччаси Мирасилов СОҲИББЎЙ Пўлатовичнинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



1997 йил 26 июлда яхши ният билан элга дастурхон ёзиб, "Шухратжон" исмли ўғлимни уйлантириб қўйдик. Ўғлим билан келиним яхши яшашди. Лекин уларнинг 6 йилгача фарзан-

ЮРАГИМНИНГ ОЙДИНИ БОЛАМ!

ди бўлмади. Шундай бўлса ҳам бирор марта фарзанд ҳақида айтишиб, уришиб қолишмасди. Уйимизнинг айвонида қалдирғочлар ин қўйган эди. Бир куни шу қалдирғочларга қараб ўтириб ўғлим келиним Матлубага: "Қара, шу қалдирғоч ҳам 6 та бола очибди, биз эса қалдирғоччалик ҳам бўлмадик", - деди. Қалдирғочлар эса гагга тушунгандек шу йили болалари учирма бўлгандан кейин бизнинг уйимизни тарк этиб, халигача инларига қайтиб келганлари йўқ. Ўғлимнинг фарзандли бўлгунча келинга гапирган

гапи шу бўлди. Ўғлим ва келиним олиб бормаган докторим, кўрсатмаган табибо-фолбинларим қолмади. Аллоҳ бермаса қийин экан. Кўпинча одамлар фақат келинини ёки қизини докторларга кўрсатишади. Менимча ўғил болаларда ҳам айб кўпроқ бўлади, деб қаерга борсам-да иккаласини олиб юрдим. 6 йилдан кейин Қашқадардаги табиб аёлга олиб бордим. Келинимнинг бўйида бўлди. 2003 йил 26 мартда келиним ўғилчалик бўлди. Ўғлимнинг ҳам хурсандлиги чексиз эди. Шухратжон: "Бешик тўйи

киламиз", - деб шунақа меҳнат қилардики, тоғганини дадасига олиб келиб берарди. Тилидан ҳамма вақт "Аяжон" деган сўз чиқар, дадаси ўтирган жойга бирор марта ўтирмас, фақат елиб-югурар, унга ҳамманинг ҳаваси келарди. Ўртоқлари ҳам ўғлимни жуда яхши кўришар, катта-кичик ҳамма ҳурмат қиларди. 2 ойлик, ҳали калласини яхши тутмаган чақалоқни еру-қўкка ишонмас, уйда-ми-кўчадами фақат бағрига босиб кўтариб юрарди. Афсус, ўғилчиси Самандар 2,5 ойлик бўлганда ўғлим кўчадан ўтиб кетаётиб вулканизация ходимларининг эътиборсизлиги туфайли очиқ қолган тоққа улашиб қолиб 25 ёшида бу дунёни тарк этди. Ох,

бу сўзларни ёзиш мен она учун нақадар оғир. Ўғлимнинг ниятлари жуда кўп эди.

Ўтган ойнинг ойдини, Ойдин экан билмадим. Ўғлим билан юрганам, Даврон экан билмадим.

Уйдим - уйдим жойларни, Уйилгани рост экан. Шухратжоним келмади, Кўмилгани рост экан.

Ҳеч ким мендек бўлмасин, Шухратжондек сўлмасин. Мендайн одам бўлса, Бу дунёга келмасин.

Раъно АВВАЛБОВА
Сирдарё шахри

АЗИЗ ҚАЙНОНАМ...

Онажон, мана сиздан айрилганимизга ҳам икки йил бўляпти. Ўша машъум кунда ишга бормасдан "янгилик" деб, сизга кўк сомса қилаётгандим. Лекин не умидлар билан қилинган сомса сизга насиб этмади. Кичик овсиним Маҳмудaxon келин: "Бувим оғриб қолди, шифохонага олиб кетишди", деди. Иккаламиз етиб борганимизча сизни қайтариб олиб кетишаётган экан. Эҳ, ўша вақтдаги ҳолатимни таърифлашга, қалам ожизлик қилади. Ўғил - қизларингиз, келин-куёвларингиз ва набираларингиз, қўшилари қариндошларингиз оху-фарёди маҳаллани тўлдирди. Соппа-соғ онадан ярим соат ичда айрилиш жуда оғир бўлган эди ҳаммамизга. Сизнинг қўлингизда 18 йил келин бўлиб яшаб, ўзимни келин демаган эканман. Чунки сиз 5 келинингизнинг ҳаммасини феълга яраша муомала қилардингиз. Ҳеч қачон кўни-кўшилларга айбимизни, камчилигимизни айтиб ёмонламасдингиз. "Беайб парвардигор", деганларидек ҳаммамизда ҳам камчилигимиз бор эди. Айниқса, мен ёлғиз эрка киз бўлиб ўсганим учунми, ҳеч қандай оила ишларини билмас эдим. Лекин сиз: "Ҳақулбодан ўзи келган келиним, - Сотти!" - деб эркалаб ҳазиллашардингиз. Бувим келиб: "Қуда, уйда ҳам ўтиргандек бўлмайман. Қизим ҳеч бир ишга бўйин ёр бермасди, жуда ҳижолат бўлаяпман", - деса: "Э, куда, бекор айтибсиз, Сотти ҳамма ишни қилади, билади. Билмаган ишининг

ўзи йўқ", - деб жуда ҳурматини қилиб, кўнглини кўтариб кузатар эдингиз. Аслида эса ювган қирларимни мен ишга кетганимда бошқатдан ювиб, ёйиб қўяр экансиз. Онагинам, мана 2 йилки ўзимнинг бувимнинг ҳам Пахтаободга келгиси йўқ. Келганида аввало олдингизга кириб, сизни кўрарди. Кейин иккалангиз эшигимдан кириб келардингиз. Сиздан кейин бувимнинг кўнгли жуда чўчиб қолди. Доимо: "Сени кудамга ишонардим қизим. Энди ўзинг болаларинг билан келиб тур. «Кудамнинг йўқлигига ҳеч кўника олмапман», - дейди. Жуда кўп кудалар бир-бири билан келишолмайди. Сизни эса ҳамма кудаларингиз беҳад ҳурмат қилишарди. Шунчалик бағри кенг қайнонага келин бўлганимдан Оллоҳимга шукроналар айтаман. Мана, ўзим ҳам қайнона бўлиш оstonасида турибман. Қани энди сизга ўхшаган қайнона бўла олсам!..

Онажон! Баъзида хафа бўлган кунларимда ёки хурсанд кунларимда уйингизга кириб, олиб қўйилган қўйлақ, рўмолингизга ва девордаги суратингизга қараб узок термулиб ўтираман. Охиратингиз обод бўлишини қадрларингиз нурга тўлишини Оллоҳимдан тилаб қоламан.

Ҳамидаҳон ҲАЙДАРОВА
Андижон вилояти
Пахтаобод тумани.

ҲАЁТГА ТҮЙМАСДАН КЕТДИ.

(Дугонам Моҳира Аликулова-нинг қабри бошида...)

Моҳирам, Моҳирам... Бир эмас, икки эмас, ўн эмас, йигирма тўрт марта жарроҳ тиги остига ётган Моҳирам! Фоний дунёнинг азобукубатларидан қутулиб кетдингми? Бу фоний дунёда кўрган кунинг шу бўлдимми?

Мен ҳамжарроҳ тиги нима эканлигини кўрганман, биламан. Гарчи оқ халат соҳиблари сени ҳаётга қайтариш учун ётқи-зишаётган бўлсалар-да, барибир ўзингга-ўзинг ҳаёт билан видолашаётгандек туюлаверасан. "Жарроҳ хато қилиб қўйса-я?". "Қаердадир янглишса-я?", деган ўй-фикр-чи? Лекин начора, бошқа ило-

жинг йўқ. азобларга чидайсан. Сен эса 24 марта шундай азобни бошдан кечирдинг... Айтишга осон. Сени қаҳрамон деб аташга руҳсат бер, Моҳирам! Ҳеч қачон соғлигингдан нолимасдинг. Боягина навбатдаги (нечанчи марта?) операциядан чиққанингда ҳам ранг қочган юзларингга табассум югуриб, кулиб қўярдиги: "Мен ўлмайман..."

Оилада ўзаро келишмовчиликлар туфайли ёки бошқа бирон-бир сабаб билан ўз жонига қасд қилганлар ҳақида эшитиб қолсанг, қалбинг ларзага тушиб, бир томондан ҳайрон қолардинг. Нега бунча ҳаётдан безиб кетишади. Тирикликнинг ўзи бир бахт эмасми, одамга? Агар соғлиқ бўлса, ҳаётдаги ҳар қандай мушкулотларни енгиш мумкин эмасми?

Ҳеч ким балки ҳаётни, шу ёруғ дунёни, атрофдаги одамларни

сенчалик яхши кўрмагандир? Агар сен ҳаётга шунчалик талпинмаганимда кекса отажонинг, онажонинг, аканг, янганг, дўст-қариндошлар меҳрини шикаста қалбингга малҳам, деб билмаганимда шунча азобукубатларга дош беролмаган бўлардинг...

Мана, ҳали тупроғи совуб улгурмаган қабринг тепасида бир туپ қизгалдоқ чўгдек ёниб турибди! Қўриб, ўпкам тўлиб кетди, Моҳирам! Ҳаётга ошuftа қалбинг ҳам ана шундай армон рангида, қил-қизил эмасмиди?

Қабрингда тинч ёт, дугонажон! 35 йил яшаб, фоний дунёда ором-ҳаловат, тўзим билмаган жонинг боқий дунёда фароғат топсин...

София НАЗАРОВА
Самарқанд вилояти
Нарпай тумани

ОНАЖОНИМ СИЗНИ СОҒИНДИМ

2003 йил 23 март - оиламизни ларзага солган кун бўлиб ёдимизда қолди. Шу куни мўътабар ва меҳрибоним, онажоним бизларни 49 ёшида ташлаб кетди.

Меҳрибоним! Сизни шунчалар соғиндим-ки, уйга борсам ўрнингиз бўш, хувиллаб туради. Излайман, лекин сизни тополмай-

ман. Тиззангизга бош қўйиб эркалангим келади. Дадажоним, акаларим, опам ҳам ўз қалбини менга айтолмайдилар. Пешонамизда бор экан. Фарштамизни сақлаб қололмадик. Онажон! Ширинсўзим, жойларингиз жаннатдан бўлсин, охиратингиз обод, руҳингиз шод бўлсин.

Раъно ҚАРШИЕВА
Қашқадарё вилояти, Қамаш тумани.

2003 йил 7 февралда бизнинг жондан азиз бобожонимиз бу ёруғ оламни тарк этди.

Бобом Самат Эгамов 6 ёшида етим қолиб, акасининг қўлида қийинчилик билан ҳаёт кечирган экан. Бобожоним ёшлигидан орзу қилиб келаётган ниятига етди. Ўзи етим бўлиб ўсгани учун етим болаларга атаб Самарқандда

"Меҳрибонлик уйи" барпо этди.

Бобожоним 9 фарзандни - 6 киз, 3 ўғилни иймонли,

ЭЗГУ ИШЛАРИ ҚОЛДИ

этиқодли, ватанга садоқатли қилиб воёга етказди. Уларнинг ҳаммасини олий маълумотли қилди. Бобом кўп йиллар Темирйўл тумани "Маҳаллазор" маҳалласида оқсоқол-

лик қилди. Ҳамма у кишини ҳурмат қиларди. Бобом кетди, аммо унинг эзгу ишлари қолди.

Азизлар, сиз ҳам бу беш кунлик дунёда фақат яхшиликлар қилинг. Бобожон! Жойингиз жаннатда бўлсин.

Дилафрўз ЎСАРОВА
Самарқанд вилояти
Нарпай тумани

СЕН ГУЛНИ СЕВАРДИНГ...

укажоним жуда севар, ҳар гал чиқшини интизорлик билан кутарди. Ўзи ҳақида ҳам севимли газетасида мақола чиқшини истарди. Шояд руҳи шод бўлса деб шу хотирани ёздим.

Бешагина фарзанд эдик, Шод ўсардик ҳаммамиз. Ховлимизга гул экардик, Гулни севиб ҳаммамиз.

Бугун ховлимизда мотам, Улими бизни қақшати. Жигарбандим Жамол укам, Бевақт дунёдан кетди.

Богбонидан айрилди бог, Ох, гуллари эгилди.

Айрилгандан қалбимиз доғ, Укам ўрни билинди.

Йигирма ёш, нечун ногоҳ, Армон билан узилди. Не кўргулик кун ўтиб, ох, Укам ўрни билинди.

Куйган опанг, йиллаб сўрар: Рози бўлган бизлардан. Оллоҳ макон ато этсин сенга, Жаннатларинг тўридан.

Нигора ХУДОЙБЕРДИЕВА

ЎзДЖТУ талабаси Қашқадарё вилояти, Чирқоқ тумани, Қирғиз қишлоғи.

ОТАМНИ ЁД ОЛИБ

Дунё азиз, дунё сенинг мурувватларингдан хурсанд бўламузу гоҳ йиглаймиз ҳам...

Ҳар бир инсон ўз олдига эзгу мақсадлар қўйиб яшайди. Фарзандларининг бахтини кўриш учун умид билан уларни ўстиради. Мен эса... Биз фарзандларининг роҳатини кўрмай кетган отам ҳақида сўзлагим келаверади. Оиламизга ҳамманинг ҳаваси келарди. Отам билан онам бир-бирларини жуда ҳурмат қилишарди. Отам бизга жуда кўп насихатлар қиларди: "Инсонларга қўлингиздан келганча яхшилик қилинглар", - деб қўп айтарди. Мен бўлсам отамга: "Улар билишмаса-чи", десам, "Қўявер, Оллоҳ билсин болам! Инсон бу дунёда яшаркан қилаётган ишларидан фахрланиши керак", - дердилар. Ул дамлар ганимат экан. Отамиз бу дунёдан жуда эрта кўз юмиб кетди. Мен отамнинг ўғитларини ҳеч қачон унутмайман.

Шахло МАМАДАЛИЕВА

Тошкент



Неча йилки "Оила ва жамият" газетасига обуна бўлиб, уни ўқиб қувонардик. Бугун эса 20 ёшли укам Жамол Худойбердиевдан бевақт айрилиб, жудоликда ёнган қалбимизга мадад истаб тахририятга мақтуб ёзаяпман. Шу газетани

Ешим 31 да Тошкент шаҳрида туғилиб ўсганман. Лекин ҳозир Тошкент вилоятида яшайман. 18 ёшимда табибиёт олийгоҳининг кечки бўлимига ўқишга кирдим. Оиламиз меҳнаткаш оилалардан бири эди. Шунинг учун мен кечкурун ўқир, кундузи ишлардим. Кунларнинг бирида уйимизга акамнинг ўртоғидан совчи келди. Онам у йигитни ёқтиргани учун рози бўлди. Мен: "Тегмайман, ҳали ўқишим керак", - деб йиғласам ҳам зўрлаб эрга бериб юборишди. Чунки у йигит агар танасидаги нуқсонини айтмаганда, уйим-жойим дейдиган яхши йигит эди. Шундай қилиб мен нуфузли, ўзига тўқ, оилага келин бўлдим. Аввалига эрим-

хил номаъқул гапларни гапирди. Мен ҳам қараб турмадим. Ичимдаги ҳамма гапларни тўқиб солдим. Қайнонам "Узукни гансиз!" - деса, мен: "Узукимни сиз олгансиз", - деб роса тортишдик. Кечкурун эрим ишдан келганда бутун жанжални қайнонам айтиб берди.

Эрим мен билан гаплашиш учун уйга кирди. "Нима бўлди, нимага онам билан Сен энди уйингга уришинг? кет!" - деди. Лекин мен: Кетмайман, катта ўғлим 1-синфга боради. Кичиги боғчага, ўзим ишламан. Менга шу ердан ижарага уй олиб беринг. Мен қаёққа бораман? Уч акам, келинйолларим бўлса...

...-деса, эрим: "Агар сен кетмасанг онам уйдан чиқиб кетар экан", деди. Бу гапни эшитиб мен уйга кетишга рози бўлдим. Ахир эримга ҳам қийин эди-да. Мени деса онаси, онасини деса хотини. Мен эримни айбаламайман. Номард фарзандгина онасини уйдан чиқариб юборади. Кечкурун нарсаларимни йиғиб сумкага жойладим. Катта ўғлимни қайнонам жуда яхши кўрар эди. У 1-синфда ўқиётгани учун уни ташлаб Тошкентга кетдик. Йўлда эрим йиғлаб мендан кечирим сўради. Чунки, оиламиз бузилаётганди. Ўша кунни онамнинг туғилган кунини эди. Эрим мени машинада онамнинг уйига олиб бориб, ўзи кирмади. 2-3 ҳафтадан кейин келарман, - деб кетди. Шу кетганича икки ярим йил келмади. Келарди-ю, болаларимни олиб кетар эди. Катта ўғлим 2-синфни ҳам

Мен: "Бормайман, ҳаётим шундай ўтатирсин. Болаларимни кейин олиб келаман", - деб туриб олдим. Бечора онам эса: "Ўзинг биласан болам, лекин болаларинг отага муҳтож!" - деди. Шу орада онам оғир касалликка дучор бўлди. Биз онамга бу касалнинг оғирлигини айтмадик. Дўхтирлар: "Энди кеч, билмадик яна қанча яшайди", - деб айтишди. Онам менинг ҳаётим бузилиб кетгани учун жуда сикиларди. Мен яна ўша уйга қайтиб бордим. У йўл бординида қай-

нам мени ҳайрон қолдирди. Мен жуда яхши кутиб олди. Чунки илгари қачон боламни кўргани келсам ё чиқмасди, ё жеркиб ташларди. Мен: "Билмайман оғи яшай оламанми, йўқми", - деса, қайнонам: "Болам, энди бу гапларни қўяйлик, орада болаларни қийналгани қолди. Роса сарсон бўлишди. "Бор отангга, бор онамга", - деганларидек. "Энди фақат ўзингларни эмас, болаларни ҳам уйлашларинг керак", деди. Мен бу гапларни эшитиб ичимда: "Нега ўша пайтлар мени уйдан ҳайдаб юбордингиз? Нега ўшанда болаларимни уйламадингиз? - демочки эдим аммо ранжитмаслик учун жим туравердим. Ахир мен ҳам кўп қийинчиликлар кўрдим. Лекин на қайнонамга, на эримнинг ака-опаларига бориб шикоят қилмадим. Улардан ҳеч нарса сўрамадим. Онажоним бирон марта уларга қаттиқ гапирмади. Қайнонам қачон келса: "Келинг куда", - деб кутиб олардилар. Хатто: "Кудачилик-минг йилчилик", деб оймни яхши кутиб оларди. Ниҳоят мен уйимда тинч, тотув, бахтли яшай бошладим. Қайнонам менга жуда ширин-яхши гапирарди. Болаларимнинг усти бут, қорни тўқ. Лекин онажоним борган сари оғирлашиб борарди. Мен уйимга қайтганимдан жуда хурсанд эди-ю, аммо, олам акаларим олдида бўлса ҳам мени кўргиси келарди. Аввалига 1 ойда икки марта, кейин ҳар ҳафта онамларникига бордим. Қайнонамнинг шунчалик ўзгарганини кўриб ҳайрон қолардим. Ахир қанча уришлар, дилни вайрон қиладиган гаплар... Булар 2 ярим йил ичида оймни ўзгартириб юборган бўлса? Бир кунни қайнона, оймлар онамни кўргани борди. Улар бир-бирига қараб анча йиғлашди. Шундан кейин икки ҳафта ўтгач онажоним ҳаётдан кўз юмди. Онани ё отани йўқотиш қанчалик оғир. Лекин қайнонамнинг ҳам тоби йўқ эди. Онамнинг вафотидан кейин мен хаёлимда опаларим, акаларимга гўё бегона бўлиб қолгандек эдим. Қайнонама келиб роса йиғладим. У: "Болам, ҳадеб сиқилаверманг. Ота-онани йўқотиш ҳар банданинг бошида бор, онангиз қанча учун йиғласангиз арзийди. Аммо ўзингиз касал бўлиб қоласиз", - деб кўярди. Онажоним ўлганларидан кейин 20 кун ўтгач, ҳовлида гул экиб юрган қайнонам тўсатдан бетоб бўлиб, улар ҳам мени ёлғиз ташлаб кетди. Улимларидан олдин менга: "Болам, мен энди қудамнинг олдига кетяйман", - деб ҳаётдан кўз юмди. Биз эру-хотин қанча уришмайлик, аммо иккимизнинг оналаримиз жуда иноқ эди. Мана энди бир ўзим шу катта ҳовлида 2 фарзандим ва эрим билан қолдик. Онам ҳаётдан кўз юмганларига 3 ой бўлди. Хали ҳаётда яна нималар бизни кутаяпти? Қайнонам ўлганларига 20 кун бўлганда эримнинг опалари оналарининг йиғиб терган нарсаларини уйига олиб кета бошлашди. Хатто, қайнонам менга васият қилиб қолдирган тилло зиракни ҳам тортиб олишди. Мен-ку тиллодан ҳам бебаҳо оиламга қайтиб уни тикладим. Қайнонамнинг нарсалари менга керак эмасди. Сўрашмаса ҳам бериб юборардим. Чунки, улар қайнонамнинг ўрнини боса олмайди.



га кўнглим бўлмади. Лекин кейинчалик: "Энди қаёққа ҳам бораман шу эрим билан яшашим керак!" - деб эримга кўнгли кўйдим. 3 ой яхши яшадик. Эрка ва кенжа қиз бўлганлигим учун, онам менга кўп уй юмушларини қилдирмасди. Шунинг учун қайнонамдан кўп танбех эшитардим. Бора-бора бу танбехлар жанжалга айлана бошлади. Шу орада мен биринчи фарзандимга хомиладор бўлдим. 4 ойлик келин бўлганимда биринчи бор уйга кетиб қолдим. Эртасига эса қайтиб келдим. Кейин қайнонам уйни сотмоқчи бўлди. Биз онамларни уйига яқин турардик. Тез орада уйни сотиб Тошкент вилоятига кўчиб кетдик. Мени энди уйимизга икки ойда бир марта зўрга юборишарди. Кўп ўтмай мен ўғил кўрдим. Биз эрим билан жуда бахтиёр эдик. Қайнонам билан 8 йил яшаган бўлсам ҳам уйга кўп мартаба аразлаб келдим. Бундан онажоним жуда сикилар эди. Мен рўза олдида онамни олдига бориш учун қайнонамдан рухсат сўрадим. Қайнонам рози бўлди. Мен тилла узукларимни тақийш учун уйга кирдим. Аммо, онам қилган узуклари ва эримнинг никоҳ узуги бор эди-ю, лекин менинг никоҳ узугим йўқ кўринмади. Мен ҳаяжонда қайнсинглимдан сўраб юборибман. Қайнонам роса жанжал қилди. Мен: "Маيلي, узук йўқолса йўқолибди-да!", - деб парво қилмадим. Бир ой ўтар-ўтмас қайнонамнинг ҳам никоҳ узуги йўқолди. Қайнонам мендан шубҳалана бошлади. Лекин мен айдор эмасдим. Кўп ўтмай эрим ўртоғи билан уйга яна тилла узук олиб келди. Қайнонам уни ҳам сотиб олди. Кўп ўтмай у узук ҳам йўқолиб қолди. Қайнонамнинг менда шубҳа гумони қолмади. У фолбинга ҳам борди. "Уйингизда бир илон бор, у остонангизга эга бўлиб ётиб олган. Сочлари қирқилган бир ёш аёл", - дебди. Мен ўшанда 27 ёшда эдим. Шундай қилиб уйимизда катта жанжал бўлди. Қайнонам менга тўхмат қилиб ҳар

ўша ерда ўқиди. Ўғлим 3-синфга ўтганида уни Тошкентга олиб келди. Унгача ўғлимни олдига бориб кўрардим, таътилларда олиб келардим. Мен борзорга чиқиб савдо-сотик қила бошладим. Ярим йилгача довдираб, ёмбисини йўқотган гадодек девонавор юрдим. Кейин аста-секин ўзимга кела бошладим. Аввалига роса қийналдим. Нахотки қандайдир бир фолбиннинг гапларини деб, бутун бир оилам бузилиб кетса? "Мен тўхмат ва надоматларга қолиб кетдим" деб, онажонимга роса йиғладим. Қайнонам ҳам, мен ҳам бир-биримиздан жуда қаттиқ ранжигандик. Лекин ишга кириб одамлар билан муомалада бўлиб аста ўзимга кела бошладим. Ҳаётимда яхши одамлар ҳам учради, ёмони ҳам. Лекин топган маошим етмасди. Совуқ ва иссиқларда туриб савдо қилардим. Шундай қилиб икки йил ҳам ўтди. Қайнонамга келин керак бўлгани учун 2 йилдан сўнг эрим уйланадиган бўлди. Унга 20 ёшли аёлни олиб беришди. Лекин у келин билан эрим яшай олмабди. Атиги 17 кун яшаб анча кароматлар кўрсатибди. Уни ҳам қайнонам ҳайдаб юборибди.

Кунлар ўтиб қайнонам яна эримга уйланиш тўғрисида оғиз очибди. Лекин эрим қанча уринмасин уйланмади. Аёллар ё унга ёқмаган, ё эрим уларга ёқмаган. Кейин қайнсинглим турмушга чиқишга тайёргарлик кўрган, улар яна менинг олдимга катнай бошлашди. Лекин мен оёғимни тираб: "Йўқ, бормайман. У уйга қайтмайман, уларни кечирмайман", - деб туриб олдим. Қайнсинглим турмушга чиққач мени олдимга эримнинг опаси келди. Онам ва мен билан суҳбатлашиб мени олиб кетишини айтди. Мен яна рози бўлмадим. Аммо улар иккала боламни олиб кетишганди. Болаларим эса дадасини, дадаси ҳам уларни яхши кўрарди. Шунинг учун болаларим: "Дадамга борамиз" деб туриб олишди. Кичик ўғлим 1-синфга бориши керак эди. Шунинг учун мен бу масалани тез ҳал қилмасам бўлмасди.

Улардан ҳеч нарса сўрамадим. Онажоним бирон марта уларга қаттиқ гапирмади. Қайнонам қачон келса: "Келинг куда", - деб кутиб олардилар. Хатто: "Кудачилик-минг йилчилик", деб оймни яхши кутиб оларди. Ниҳоят мен уйимда тинч, тотув, бахтли яшай бошладим. Қайнонам менга жуда ширин-яхши гапирарди. Болаларимнинг усти бут, қорни тўқ. Лекин онажоним борган сари оғирлашиб борарди. Мен уйимга қайтганимдан жуда хурсанд эди-ю, аммо, олам акаларим олдида бўлса ҳам мени кўргиси келарди. Аввалига 1 ойда икки марта, кейин ҳар ҳафта онамларникига бордим. Қайнонамнинг шунчалик ўзгарганини кўриб ҳайрон қолардим. Ахир қанча уришлар, дилни вайрон қиладиган гаплар... Булар 2 ярим йил ичида оймни ўзгартириб юборган бўлса? Бир кунни қайнона, оймлар онамни кўргани борди. Улар бир-бирига қараб анча йиғлашди. Шундан кейин икки ҳафта ўтгач онажоним ҳаётдан кўз юмди. Онани ё отани йўқотиш қанчалик оғир. Лекин қайнонамнинг ҳам тоби йўқ эди. Онамнинг вафотидан кейин мен хаёлимда опаларим, акаларимга гўё бегона бўлиб қолгандек эдим. Қайнонама келиб роса йиғладим. У: "Болам, ҳадеб сиқилаверманг. Ота-онани йўқотиш ҳар банданинг бошида бор, онангиз қанча учун йиғласангиз арзийди. Аммо ўзингиз касал бўлиб қоласиз", - деб кўярди. Онажоним ўлганларидан кейин 20 кун ўтгач, ҳовлида гул экиб юрган қайнонам тўсатдан бетоб бўлиб, улар ҳам мени ёлғиз ташлаб кетди. Улимларидан олдин менга: "Болам, мен энди қудамнинг олдига кетяйман", - деб ҳаётдан кўз юмди. Биз эру-хотин қанча уришмайлик, аммо иккимизнинг оналаримиз жуда иноқ эди. Мана энди бир ўзим шу катта ҳовлида 2 фарзандим ва эрим билан қолдик. Онам ҳаётдан кўз юмганларига 3 ой бўлди. Хали ҳаётда яна нималар бизни кутаяпти? Қайнонам ўлганларига 20 кун бўлганда эримнинг опалари оналарининг йиғиб терган нарсаларини уйига олиб кета бошлашди. Хатто, қайнонам менга васият қилиб қолдирган тилло зиракни ҳам тортиб олишди. Мен-ку тиллодан ҳам бебаҳо оиламга қайтиб уни тикладим. Қайнонамнинг нарсалари менга керак эмасди. Сўрашмаса ҳам бериб юборардим. Чунки, улар қайнонамнинг ўрнини боса олмайди.

Ташкент вилояти Чирчиқ шаҳри

ДИЛОРОМ

Кўнглим амрига бўйсунсаммикан

"Оила ва жамият" газетасининг ашаддий мухлисима. У орқали кўп инсонлар билан танишиб, дўстлашиб олдим. Менинг исми Шохида, ёшим 18да. Ёш бўлишимга қарамай севиш ва севилиш бахтига муяссар бўлдим. Тўлкини учратганимда ёшим 15 да эди. Ҳали севиш, муҳаббат нималигини, соғинч ҳисси нималигини билмасдим.

Аввалига унга эътибор бермадим. Шунчаки танишлардан деб ўйладим. Уни йўлда кўп учратар, узок суҳбатлашардик. У ҳарбий хизматни ўтаб келганлиги боис суҳбатлари ҳам қизиқарили бўларди. У билан суҳбатлашган одамнинг яна суҳбатлашгиси келаварарди. У жуда ҳам самимий, меҳрибон ва мулоим одам эди. Кейинчалик уни кўп ўйлайдиган, уни бир кун кўрмасам туролмайдиган бўлиб қолдим. Поқ, мурғак қалбим унинг севиғиси, муҳаббатини билан тўлиб бораётганлигини сездим. Уни севиб қолганлигимни ўзига айта олмасдим. Ундан уялдим. Чунки, Тўлкинга бўлган ўтли муҳаббатдан лов-лов ёнаётган юрагим, уни излаётган кўларим билдириб қўйишдан чўчирдим. Кейинчалик билсам, у ҳам менга бефарқ эмас экан. Бир кунни дилидаги пок севиғисини изхор қилди. Шу топда мендан бахтли инсон бу дунёда йўқ эди. Мен шунчалар бахтли эдимки, у учун жонимдан кечिशга тайёр эдим. Тўлкини шунчалар қаттиқ севиб эдимки, туйғуларига ишондим. Дунёда ундан бўлак ҳеч ким йўқдек гўё.



Хар кунги учрашувлардан бирида, у тўй ҳақида гап очди. Менга уйланиш нияти борлигини, қанча керак бўлса шунча кутишини айтди. Муҳаббатимиз ҳаққи хурмат мен бунга рози бўлдим. Лекин ота-онам рози бўлган тақдирдагина унга турмушга чиқишим мумкинлигини айтдим. У тушунди ва онам билан гаплашиб олишини айтди.

Бир кун мактабдан қайтсам онам хафа бўлиб ўтирибди. Кейин билсам Тўлқин акам келиб, онам билан гаплашиб олибди. Онам менга: "Қизим, каттагина бўлиб қолибсан, сезмабман. Дилингдагини билмаганим учун мени кечир. Агар уни ёқтирсанг, майли розиман. Яхши йигитга ўхшайди, ақли, фаросатли, гап-сўзлари жойида. Лекин қизим, унга айтиб қўй, сен ҳали ёшсан, катта ҳаётни хали тушунамайсан, ҳали мактабнинг битириб олишинг керак. Кейин, одамлар олдида яхши эмас, кўрмоқ учрашишга ҳаракат қилинлар. Агар сени чин дилдан сева майли кутсин, биз розимиз", - деди. Шундан қувончим ичimgа сиямай кетди. Бу гапдан Тўлқин акамни хабардор қилдим. Иккимиз ҳам хурсанд бўлдик. Лекин хурсандчилигимиз узокча чўзилмади. У тўйимизга пул топаш ниятида чет элга ишлашга кетди. Кетишдан олдин: "Кутгин, мен албатта қайтиб келаман ва биз бахтли бўламиз", - деб айтди.

Аввалига хат ёзди, қўнғироқ қилди. Кейинчалик ундан на бир хат ва на бир қўнғироқ бўлди. Кетганига уч йил бўлди. Хали ҳам уни кутаяйман. Лекин, мени бошқа нарса қийнапти. Бир йигит менга уйланиш ниятида юрибди. Унга бошқа бировни севишимни, уни кутаётганимни, юрагимда фақат унга жой борлигини айтдим. У эса... ҳамма гапдан хабардор эканлигини, шунга қарамай барибир мени севишини айтди. Агар кутсам бутун умрим зоё кетишини, алданиб қолаётганимни, Тўлқин энди барибир қайтиб келмаслигини айтди. Кўнглим бошқа бировдалигини била туриб, мени бахтли қилиш нияти борлигини, шу кунни икки йилдан бери кутаётганини билдирди.

Бу йигит ҳам жуда яхши, кўнгли тоза инсон. Лекин мен энди нима қилишга бошим қотган. Кўнглим ҳамон бошқадан Тўлқинда. Менга маслаҳат беринг. Тўлқинни кутайми, ёки... Ўзим кутган Тўлқин умуман келмасми-чи? Ёки мени севаётган, бахт ва муҳаббат ваъда қиладиган инсонга турмушга чиқайми?

Ушбу муаммони қандай ҳал қилишни билмай бошим қотган. Кўнглим амрига бўйсунсам сарога ишониб умр саҳросида қолиб кетсам-чи?

Илтимос, азиз юртдошлар, мендан маслаҳатингизни дариг тулмай хат ёзинлар. Токи мен ҳаётда нотўғри хулосага келиб бахтсиз бўлиб қолмайин!

Бухоро вилояти

ШОХИДА

ДУШАНБА 13

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНИЕСИ

15.00 "Тахлилнома", 15.45 "Кўрсатувдан кўрсатувгача", 16.05 ТВ анонс, "Болалар сайраси", 17.00 1. "Улғайиш поёналари", 2. "Олтин жўз", Телевизион тўй, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР, 18.10 Фахрий спортчилар спартакиадаси, 18.30 "Олтин мерос", 18.45 "Мулкдор", 19.05 "Истеъдод", 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР, 19.30 "Ахборот" (рус тилида), 20.00 Оқшом эртақлари, 20.15 Биржа ва банк хабарлари, 20.30 "Ахборот", 21.05 2003 йил - Обод маҳалла йили, "Кўпчилик қаторида", 21.25 "Ошин", Теле-риал, 22.25 ТВ клип, 22.35 "Талваса", Видеопилм премьераси, 3-қисм, 23.15 "Ахборот-дайжест", 23.35 "Япония: турмуш тарзи", Хужжатли телесериал, 23.55-24.00 Ватан тимсоллари.

«ЭШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

16.00 Кўрсатувлар дастури, 16.05 "Янги авлод" студияси: Хамма нарсани билишни истайман, 16.20 "Мулътмомоша", 16.35 "Махаббат", Бадий фильм 6-қисм (ақшловчи), 17.35 ТВ - анонс, 17.40 Жаҳон жуғрофияси, 18.30 Муҳаддас бурч, 18.50 Олтин мерос, 18.55, 21.55 Иқлим, 19.00 Давр, 19.35 ТВ - анонс, 19.40 Илҳиз ва илҳоз, 20.00 Муслик лҳазлар, 20.10 Сув - ҳаёт манбан, 20.15 Эшлар овози, 20.35 ТВ - адвокат, 20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар, 20.45 "Ғадалуле", Теле-риал, 21.30 Кишлоқдаги тенгдошим, 21.50 Олтин мерос, 22.00 Давр, 22.40 ТВ-анонс, 22.45 «Эшлар» телеканалда спорт дастури: Интер-футбол, 0.25 - 0.30 Хайри тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби, 17.20 ТВДА сериал: "Бу ҳам кино", 17.45 Болалар экран, 17.55 "Хорик хабарлари" (рус), 18.00, 20.50 "Экспресс" телегазетаси, 18.10 "Халқ саломатлиги йўлида", 18.30, 20.00, 20.35, 21.40 "Поитак" ахборот дастури, 18.45 "Табриқлаймиз-кутлаймиз", 19.05 "Хорик хабарлари", 19.10 ТВДА сериал: "Ой нури ангелиги", 20.20 "Аvto-news", 21.00 ТВДА сериал: "Лўлининг бахти", 22.00 Киноингоҳ, "Сангам", 1-қисм, 23.30-23.35 Хайри тун, шаҳрим!

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

6.00 - 7.00, 16.30 Кўрсатувлар тартиби, 16.35 Вести, 16.45 "Парле ву Франсе?", 17.10 Евроньюс, англиклар, 17.20 Еврофутбол, БИРИНЧИ КАНАЛ, 17.30 "Хазил кетидан хазил" хажий кўрсатув, 18.00 "Ишон ва муҳаббат замани", Сериал, 19.00 "Мени куттил", 20.00 "Время", 20.30 "Бизнес ревью", 20.35 "Спорт масқалирида", 20.50 "Хусусийлаштириш", 17.00 Бақаддам, 21.10 Кинематограф, "Тернер ва Хун", Бадий фильм, 22.40 "Ахборот", 23.15 Тунингиз осуда бўлисин!

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

16.55 - гача профилактика ишлари, 16.55 - Дастурнинг очилдиши, 17.00 - "Познавательная программа", 17.30 - "Теле-хамкор", фойдали газета, 18.00 - "Барни и его маленькие неприятности" комедия, 19.30 - "Ошикона", мусийк дастури, 19.45 - "Марш Турецкого", сериал, 20.45 - "Теле-хамкор", фойдали газета, 21.20 - "Спокойной ночи, малыши!", 21.30 - "Невероятная правда", 23.15 - Спорт на "30-м" - Профессиональный бокс, 00.00 - Программа передач

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

5.00 Телеканал "Доброе утро", 7.00, 8.00, 11.00, 14.00 Новости, 7.05 "Человек и закон", 8.05 Кино "Патруль времени", 10.00 "Принцесса Дагмар - русская императрица", Док. фильм, 10.40 Следствие ведет Колобков, 11.20 "Горюк женщины", 12.00 "Стонка поезда 2 минуты", 13.30 Док. детектив, "Заказ на самоубийство", 14.20 "Фабрика звезд-3", 14.40 "Ералаш", 15.00 Сериал "Берег мечты", 16.00 - Большая стирка", 17.00 Вечерние новости, 17.30 "Шутка за шуткой", Юмористическая программа, 18.00 "Земля любви, земля надежды", Сериал, 19.00 Жди меня, 20.00 Время, 20.30 "Спецназ", Много-серийный фильм, 21.40 "Маркус Вольф. Главный разведчик восточного блока", Док. фильм, 22.30 Ночное "Время", 22.50 Искатели, "Русская мумия", 23.20 "Человеческие инстинкты", Фильм 3-й, 24.20 Триллер "Не для моего дочки", 2:00 "Доброе утро, Россия!", 5:45 Комедия "Вооружен и опасен", 7:35 «В Городе», 7:45, 10.50, 13.25, 21.15, 1.40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ, 8:00, 11.00, 14.00, 17.00 ВЕСТИ, 8:30, 11.10, 13.40, 17.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА, 8:50 "Короткое замыкание", Ток-шоу, 9:50 ВЕСТИ НЕДЕЛИ, 11:30 «Что хочет женщи-

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

3:00 Телесериал «МОРСКИЕ ИСТОРИИ».
6.00, 13.10, 18.00 «Шоу Бени Хилла».
6.25 «Неизвестная Планета».
6.50 «НОВАЯ ЖЕРТВА». Мелодрама.
7.40 «САША + МАША». Комедия.
8.05, 13.25, 18.30 «Фигли-Мигли».
8.30, 13.55 «Каламбур».
9.00 «Завтрак с Дискавери».
«Хотчик на крокодиле».
10.00, 23.10 Микс фэйт: бой без правил.
10.30 «Москва: инструкция по применению». Дайджест.
11.05 «КУРЬЕР». Комедия.
14.30 «ЖЕНСКИЕ ШАЛОСТИ». Комедия.
15.00 Борьба за «ДОМ». Выпуск 110.
16.00 «САША + МАША». Комедия.
16.30 «МОЯ РОДНЯ». Комедия.
17.00 «Бремя денег».
19.00 «Запретная зона». Ток-шоу.
20.00 Борьба за «ДОМ». Выпуск 111.
21.00 «Комедия». «ЧАСТНЫЙ ДЕТЕКТИВ, ИЛИ ОПЕРАЦИЯ «КООПЕРАЦИЯ»».
23.40 «САБОТАЖ». Комедия.
1.55 Классика бокса.
3.00 «ИНСПЕКТОР ШИМАНСКИ». Сериал.

8.30 «Дикая планета»: «Остров пингвинов». Док. фильм.
9.25 «Хитклиф». Мультсериал.
9.50 «Супергероронок». Мультсериал.
10.15 «БИТЛБОРГИ». Телесериал.
10.35 «Симпсоны». Мультсериал.
11.35 «ВОБОЧКА-3». Сериал.
12.10 Мировые розыгрыши.
12.45 «ВЕДЬМАК». Телесериал.
13.55 Военная тайна.
14.30 «24». Информационная программа.
14.50 «1/52». Спортивное обозрение.
15.05 «Кино»: «ЗЕМЛЯ САННИКОВА».
17.05 «ДРУЖНАЯ СЕМЬЯ». Сериал.
18.05 «Лучшие шоу мира».
19.00 «ДРУГАЯ ЖИЗНЬ». Телесериал.
20.10 «Кино»: «ИСТРЕБИТЕЛИ ПРИВИДИЙ-2».
23.00 «Кино»: «СЕКТА».
1.00 «БЕС В РЕБРО». Телесериал.
1.40 «Кино»: «ДВОЙНАЯ ЖИЗНЬ».
3.20 Ночной музыкальный канал.
ДТВ
8.30 Бизнес-чат.
9.00 Мультсериал «Иван из Юкона».
9.25, 10.25, 17.15, 20.55, 24.10 Придй жизни вкус.
9.30 «В гостях у Тодика». Детская программа.
10.00 Мультфильмы.
10.30 Сериал «ЗАКОН ДЖУНГЛЕЙ».
11.00 Каламбур.
11.35 Всегда готовь.
12.10 Сериал «ДАЛЬНОБОЙЩИКИ».
13.15 Х/ф «ВРАГ МОЕГО ВРАГА».
15.25 Окно в природу.
15.40 Толобайки.
16.15 «I.P.» Сериал.
17.20 Каламбур.
17.55 Смеходром.
18.55 Х/ф «ОДИНОКАЯ ЖЕНЩИНА ЖЕЛАЕТ ПОЗНАКОМИТЬСЯ».
21.00 Х/ф «ПИСЬМО С ГЛУШИТЕЛЕМ».
23.05 Клиника рекордов.
23.40 Неманья!
24.15 Сериал «ВОЗДУШНАЯ ПОЛИЦИЯ».

BOLALAR SAHIFASI

Ikkita bir xil uyni toping.

Farzandlarimiz ijodidan

Dunyo sayli...

Dilu - Ionim dilkash dugonam,
Dilistonim, dildosh dugonam,
Dil uyida sirdosh dugonam,
Yurgin birga sayr qilamiz.

G'unchalarda kuylar to'qilar,
Gulning bargi nega to'kilar.
Maysalarda ajib shivirlar,
Yurgin birga sayr qilamiz.

Ko'k bag'rida sirli chaqinlar,
Chayqalgandek uzoq, yaqinlar,
Moviy ko'kda tinmas to'lqinlar,
Yurgin birga sayr qilamiz.

Bolalikning qo'ng'iroqlari,
Faslarning ovunchog'lar,
Turnalarning arg'imchoqlari,
Yurgin birga sayr qilamiz.

Dilistonim, dildosh dugonam,
Baxt uyida sayr qilamiz.

Xayol ko'zgusi.

Daraxtlarning shivirlarida,
Buvim alla ayatoytgandek.
Yo'l atalmish olam kaftida,
Dadam ishdan qaytayotgandek.

Bir - biridan nusxa ko'chirar,
Uy ishini qilmagan o'rtoq.
Taqdir yo'lin poygalarida,
Kasbi yo'qlar mayibu, cho'loq.

Ko'zgularning sinilarida,
Sinib yotar go'yo taqdirilar.
Elkasini tutar kaltakka,
Qaram bo'lgan, erki yo'q qullar.

Yomg'irlarning tomchilarida,
Farishtalar yuvar kovishin.
Dengizlarchi, osmonga oqar,
-Adog'i yo'q dunyo tashvishin,

Daraxtlarning shivirlarida...

DILAFRUZ Jamol qizi.

Ushbu cherchalar o'rtasidagigi 10 ta farqni toping.

...“КЎП КАВАТЛИ ДАРАХТ”

Сулси вилоя-тида яшовчи муҳандис И. Михайленко бир туп дарахтдан галати ҳосил олади. Дарахтнинг учиди йирик-йирик, сап-сарик ноклар пишадди. Ён шохларида эса олмалар осилиб туради, олма остида эса кеч пишар нок бор.

Хаваскор боғбон бундай “кўп каватли дарахт”ни яратишига кўп йиллар кетди. Пайвандтаг учун оддий ёввойи нок олиниб, унга боғи мевалар пайванд қилинди.



ЎЗИНИ ЎЗИ СЎЯДИ

Испан ва инглиз қони вужудида оқётган Торрес хоҳлаган жойини ўқтир пичоқ билан кесиб, бемалол ҳеч нарса бўлмагандек юра олади. Торрес катта микдордаги пулдан гаров ўйнаб, томоғига ўқтир пичоқ солганда кўпчилик уни ўлиб қолса, керак дейишганди. Аммо у ўлишни ҳаёлига ҳам келтирмади. Бўйни билан бирга оғзидан ҳам қон келди. Сўнг бурнидан. Шунда ҳам у хотиржам эди. Эртасига у яна ҳеч нарса кўрмагандек, мўмай даромад илнжиди ўз муҳлислари қаршисига чикди. Ажаблаларлиси шундаки, одамлар кўз ёнгида содир бўлган кечаги пичоқ ўрни билинмай кетганди.

ЖАРРОХ... ЧУМОЛИЛАР

Бизда жарроҳликда игна-иглардан фойдаланилади, африкадаги халқлар эса чумолидан. Қандай қилиб дейсизми? Африка чумолилари кесилган жойни жарроҳлардан ҳам мукамалроқ ва хавфсиз қилиб тикиб қўйишга яраб экан. Кесилган жойнинг четлари бир-бирига бирлаштириб турилади ва жароҳат устига бир нечта чумолилар қўйлади. Чумоли ода-тига кўра бемор терисини тишлайди, шунда жарроҳлар чумолининг бош қисмини қолдириб, қолган қисмини кесиб ташлайдилар. Ана шунда жароҳат пишиқ беркилиб, табиий равишда боғланиб қолади.

Чумоли ажратиб чиқарган модда антибиотик каби инфекциядан ҳимоя қилиши мумкин экан.

ҚАНОТЛИ...

Б у лоф эмас, бор гап. Бошқирдистоннинг узоқ Тирмен қишлоғида туғилган бузоқчанинг қанотини кўриб, одамлар “яхшиликка бўлсин” дея ёқа ушлашди.

Бузоқчанинг елкасида қалин юнг босган тоғайли ўсимта аяқол кўриниб турарди. Эни 4 см, узунлиги 15 см. Урта-сида эса кичкина шохчаси бор. Фейл-атвори оддий бузоқлардан фарқ қилмади. Шундай бўлса-да, кексалар “қанотли бузоқнинг хосияти бўлмайди” дея уни сўйиб юборишни маслаҳат беришди. Аммо маҳаллий раҳбарлар бунга рози бўлишмади.



Бири боғдан,

“СИГИР - ДАРАХТ” ВА...

Бразилия ва Венесуэла чангалзорларида “Сигир - дарахт” деб аталмиш ўзига хос ўсимлик ўсади. Унинг пўстлогини бироз тилсангиз бас. Ранги ва тазми билан сутни эслатувчи шарбат оқа бошлайди. Агарда ана шу шарбат қайнатилса мазали таом ҳосил бўлади. Пўстлогидан бир марта икки литрдан тўрт литргача “сут” олиш мумкин. Ана шундай “Сигир-дарахт”лар Амазонканинг қўйи оқимларида миллионлаб ўсиб ётади.

НЕГА ДАРДГА ЧАЛИНМАЙДИ?

Отларда юрак-томирлари касалликлари жуда камдан-кам учрайди. Инглиз ветеринари С.Литлжон буни шундай изоҳлайди: “Отлар чекмайди, спиртли ичимликлар ичмайди, вегетариан парhezига қатъий амал қилади ва жисмоний ҳаракат билан кўп шугулланади”.

БИРИ ТОҒДАН

АНТИҚА ҚОИДА

Ява оролида никоҳдан ўтиш ва ажралиш қоидаси жуда антиқа. Бу ерда никоҳдан ўтадиганлар одатдаги расмийлардан ташқари, маҳаллий идора вакилларига йигирма беш дона... Нима деб ўйлайсиз? 25 дона каламуш думи топширар эканлар. Ажралмоқчи бўлганлар эса... Икки қарра ортиқ каламуш думи топширишга мажбурлар.

Оролдаги шолқорларга катта зиён келтираётган каламуш галаларига қарши курашмоқ ниятида маҳаллий ҳукумат бундай антиқа одатни жорий этишга мажбур бўлган экан. Улар каламушларга қарши турли йўллар билан курашиб кўрганлар. Ҳатто мушуқлардан иборат десант ҳам туширганлар. Аммо бунинг ҳам нафи тегмагач шундай одатни жорий этганлар.

АЖАЛИ ЕТМАГАНЛАР ВА...

Бу ёруғ оламда ризку насибаси тугамаган бўлса, қабрдан ҳам қайтиш мумкин экан. Франциянинг Лион шаҳри атрофида яшовчи етмиш ёшли қария иш жойида ҳушидан кетди. Шифокор унинг юраги уришдан тўхтаганини аниқлаб, ўлди деган хулосага келди. Улихонада уни ечинтиришгаётганда қария кутилмаганда:

- Мени шилишаяпти, ёрдам берингла! - дея бор овози билан бақириб юборди...

Ўттиз икки ёшли Али Абул - Рохим Мухаммад Мисринг шимолидаги Молови шаҳридаги мактабларда араб тилидан дарс беради. У денгизда чўмилаётиб ҳушидан кетди. Шифокор унга офтоб уришидан вафот этди, деган ташхис кўйди. Орадан беш соат ўтгач, музхонада уни ёриб кўришга чоғланганда ўзига келди. Али бу ерда шунчалар совқотган эдики, тили калимага келмади. Ўлдига чиқарилган йигит уйига - жанозага ҳозирлик кўраётган ота-онасига кўнғирок қилди...

Ўтган йилнинг август ойида Африкадаги Фил суяги қирғоқлари мамлакатларининг шарқий қисмидаги қишлоқларнинг бирида икки ёшли Мона-та Лалфисса исмли қиз сирли касаллик оқибатида вафот этди. Расм-русумни қилиб кўмишди. Орадан уч кун ўтгач, гўрковлар янги қабр остидан инграётган овозни эшитиб қолишди. Қабрни очиб қарашса, дафн этилган бечора қиз тирик экан.

...АЖАЛИ ЕТГАНЛАР

Болгариянинг Тетевен деган жойидаги қабристонда дафн маросими бўлаётган эди. Шунда ҳамманинг кўзи ўнгиди битта қабр очилди-ю 20 қашини ютиб юборди ва шу заҳотиёк бекилди. Нега бундай воқеа рўй берганини Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмаса керак

ГАПИРУВЧИ ЛАЙЛАК

Италиянинг Александрия шаҳри ташқарисиди яшовчи Донателлолар оиласи айбондан нонушта қлиб ўтиришганди. Қандайдир соя куёш нурларини тўсди. Бир лаҳза ўтмасдан столда лайлак пайдо бўлди. Ҳамма қутилмаган ҳолатдан қотиб қолди. Қуш бўлса соф итальян тилида, “салом, жаноблар, мен жуда очман!” деди. ВА у индамасдан столдан макарони олиб ея бошлади. Уй эгаси Бенито Донателло лайлакнинг столни устидаги ҳамма нарсани ейишини кутиб турди. Сўнг чаққонлик билан ушлаб полга қўйди. Қуш ҳеч қаршилик кўрсатмади. Кейинчалик аниқланишича, лайлак гас-ролда юрган кўчма циркдан қочган экан. Шу пайтгача бирон марта лайлақлар гапирувчи қуш сифатида ўзларини кўрсатмагандилар, деб ёзади итальян газетаси “Республика”.



ТОККА ЧИДАМЛИ ОДАМ

Болгариянинг Габрово шаҳрида яшовчи электромонтёр Георгий Ивановнинг ажойиб хислати бор. Уни сира ҳам ток урмайди. Монтёр 220 ва ҳатто 380 вольт қувватга эга бўлган электр симларини ҳеч қандай муҳофазасиз, оддий қўли билан ушлаб ишлаб беради. 90 ёшга тўлган ажойиб монтёрнинг бадани бошқа одамларга қараганда электр қаршилигига 8 қарра бардошли эканлиги аниқланди.

ТИРИК СОЧ БЎЛАДИМИ?

Бразилиянинг Сан-Паулу шаҳрида истиқомат қилувчи 50 ёшли Андреа Гернандеснинг сочи ўта сезувчан. Ҳатто қўлингизни теккизмасингиздан у ўзини ёмон ҳис қила бошлайди. Андреанинг сочини олиб ҳам бўлмайди. Қирқиш у ёкда турсин, бир тола сочи эътиборсизлик билан юлиниб қолса борми, ундан қон оқиб, бардош беролмайдиган оғриқ пайдо бўлади. Тиббий текшириш шуни кўрсатадики, Андреанинг сочи оддий соч эмас, тирик ҳужайрали қон томирларга эга экан. Андреа Гернандеснинг сочи ўсгандан ўсиб, ҳозир икки метрга етган. Унинг сочи шифокорларнинг илмий-текшириш объектига айланган.

УЎҚУВЧИ ВАГОНЛАР

“Хьюстон дэйли пост” газетаси 1897 йил 28 апрел сониди фаройиб мақола эълон қилган эди. Черковдан қайтаётган одамлар поезд вагонларининг осмонда парвоз қилиб юрганини кўриб ҳайратландилар. Вагонлар ҳам гоҳ пастлаб, гоҳ юқорилаб учиб юришарди. Уларни ҳаракатлантираётган нарса эса кўринмасди. Вагонлар Техас штати осмонда бир неча соат учиб юрган. Сўнгга қўққисдан осмонга чиқиб, кўздан гоғриб бўлган.

Ана шу вагонлар олдинроқ шу шаттага келаятган поезддан ўғрилган эди. Вагонларни икки бир-бирига ўхшамаган кўкимтир юзли жонзотлар ўғирлаб, йўл бўйлаб судраб кетишгаётганини кўрганлар жойла-

ИККИ ЮРАКЛИ ИНСОН

Италияда Агостино Колли деган киши яшайди. Унинг икки юраги, ҳар бир қўлида олтитадан бармоқлари бор. Шунинг учун бўлса керак, Агостинонинг кучини айтишга тил бормайди. У бир ярим тонналик юк машинасини ҳеч қийналмасдан кўтаради. Агостинонинг бўйи 167 сантиметр, ташқи кўринишидан уни ҳеч ким кучли демайди.



ЭРКАК КИШИ ТУГАДИМИ?

Филиппинлик 32 ёшли эркак Карло хомилдор бўлиб қолди. Ультратовушли текширувда Карлонинг қорнида олти ойлик гўдак борлиги аниқланди. Шуниси қизиқки, гўдак соғлом ривожланмоқда. Хомилдорлик Карлога анча ташвиш келтирди. Чунки, Карлонинг она бўлишига унинг эркаклиги анча халақит бермоқда.

Моникага роса қувё қидиришди. Ҳатто газетда эълон ҳам беришди. Шунда худди Моникага ўхшаган йигит уларниқига ташриф буюрди. Уни кўриб қизнинг қалапаги бошидан учди, аммо на илож ўзига ўхшаган йигитга турмушга чиқаман, деб эълон берган. Мана энди ўзига муносиби қаршисиди турибди. Сочининг ярми қизгиш, ярми оқ. Бир кўзи тепага, иккинчиси ён томонга қараган. Бурни лабига ёпишган. Бўйни аксинча узун. Бир елкаси иккинчисидан анча паст. Бели орқа томонга туртиб чиққан. Бир оёғи маймоқ.

Шундай қилиб икки қалб бирлашишди. Тўй ҳам худди эгаларига ўхшаб, дам тўхтаб, дам давом этиб, икки кун бўлди.

БЕЎХШОВЛАР

Америкада, Невада штатида фаройиб келин-кувё яшайди. Моника ёшлигиди ҳам жуда беўхшов эди. Бир бошдан бошлайдиган бўлсак, қиз бола бўла туриб калласининг ўртасида сочи йўқ эди. 16 ёшга етганида сочининг орқа мия қисмидаги соч сарғайиб кетди. Ёшлигидан пешонаси ичкарига кирган, бир қоши йўқ, бир қулоғи иккинчисидан анча кичик, бурни худди дамолланганга ўхшаган текис, бир тешиги иккинчисидан кичик эди. Бир юзиди иккита, иккинчисиди тўртта катта-катта ҳоли бўлиб, лабининг бир бурчи ўқ текканга ўхшаган тиртиқ эди. Жағи тепага қараб қайрилганди. Бўйни елкаси билан бирлашиб кетганди. Чап қўлида синчагоги иккита, ўнг қўлида ўрта бармоғи қўшалок эди. Оёғида бўлса битта бармоқ кам, бири иккинчисидан калта эди.

Одамларнинг бир-бирлари билан мунтазам муносабатда ва мулоқотда бўлиб туришлари асосида ҳар бир кишининг ижтимоий қиёфаси, қизиқиши, кайфияти, хулқ-атвори, хислатлари, жисмоний ҳолати ва ҳоказолар намоён бўлади. Ўзаро ҳамсухбат бўлганимизда қандайлигимизни билдирибгина қолмай четдагилар ҳақида муайян маълумотлар оламиз. Киши гавдасини қандай тутиши, сўзлашув ҳолати, оҳанги, овози, имо-ишораси ва жумладан ундан қандай ис келиши арзимасдек туолса-да, суҳбатдошингиз қандай инсон эканлиги тўғрисида анчагина тасаввур беради ва шунга қараб сиз уни ёқтириб қоласиз ёки аксинча ҳўшламайсиз, ё бепарво бўласиз.

Инсон ҳаётида ҳид билишнинг аҳамияти қандайлиги ҳақида жуда кам маълумотга эгамиз. Шахсларнинг бир-бирлари билан ўзаро муомалада бўлишларида ҳид муҳим омиллардан биридир. Одамдан таралаётган ис унинг ҳўш-таъб, ёқимтойлигини, тарбияли ва маданиятлилигидан ёки бунинг тамоман акси эканлигидан далолат беради. Биз атрофдагилар билан мулоқотда бўла туриб, суҳбатдошимиздан қандай ис келаётгани хусусида ўзимизга қамдан-қам ҳисоб берамиз. Лекин, шу ис уйғотаётган ҳис-туйғуни яхшигина сезамиз, суҳбатдошимиз бир талай ижобий хусусиятларга эга

римизга тунд, асабий одамдан кўра хўшқайфли киши ёқади. Гап шундаки, биз хўш кўрган одам организми ёқимли модда таратади, иккинчи тоифа одам эса аксинча. Олимлар ушбу сирли табиий моддаларни парфюмерияда қўллашга уриниб кўрдилар. 70-йилларнинг охирида ўта тартибли ва расмий Англияда аэрозолдан иборат сепилмалар кенг урфга кирди.

Ўзаро бир-биримиздан димоғимизга кирган табиий ислардан ташқари сунъий ишлаб чиқарилган ҳидлар ҳам моддий ва маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган. Мусаффолик ва хўшбўйлик биринчи ўринда турган замонавий жамиятда одамдан тер хиди анкиб туриши жуда хўнук ва беадаблиқдир. Эркаги аёллар бу нохўш ҳолатдан халос бўлиш учун бир талай вақтларини сув муолажаларидан баҳраманд бўлиш ва

Кишилар ҳамиша ижтимоий мақоми, таъсирчанлиги, кайфияти, жисмоний ҳолати, истак-хўшишлари борасида

майти, биз анча маълумотни юзимиз ифодалари, ҳар хил ҳаракатлар, гап оҳанги, овозимиз тембри, нутқимиз тезлиги, шунингдек, ҳамроҳимиздан келаётган ис орқали ҳам оламиз. Натижада кишилар ўртасида симпатия – бир-бирини ёқтириш, антипатия –

ланмаслигини кўрсатмоқда. Шахслар аро ҳид инсон образини ташкил этувчи бўғинлардан бири ҳисобланади. У суҳбатдошининг ташқи қиёфаси, яхши тарбия ва ўта ақллилик борасидаги ижобий таъсирини кўчатириши мумкин. Аксариyat ҳолларда эса ҳидларни қабул қилиш беихтиёр равишда рўй берадики, уларнинг таъсир кучини сўндирмайди. **Биз кишилар билан мулоқотда бўлар эканмиз, улардан қандай ис келаётганига унча аҳамият беравермаймиз.** Шундай бўлса-да, биз улар кўзгаган ҳаяжонни англай оламиз ва кўпинча унинг яққол билиниб турган фазилатларига қарамасдан нега сизни ўздан итараётганига ақлимиз етмайди. Ҳозир биз ҳидлар ҳақида баҳс этарканмиз, "ёқимли" ва "ёқимсиз" деган тушунчаларга тўхталягмиз. Физиологлар буни ҳис-ҳаяжон пайдо бўлишига жавоб берувчи бош мия ва унинг қисмларининг бир-бирига яқин туриши билан изоҳлайдилар. Айнан шунинг учун ҳам бизнинг устимиздан шундай ҳўм юргиздилар! Қизиқ, аёллар эркаклардан кўра ҳидларни ўткирроқ ҳис қиладилар. Бунинг устига, баъзи олимлар ҳаттоки аниқ рақамни – 1000 ни айтадилар! Айнан аёллар шунча марта ҳидларга нисбатан таъсирчандилар. Кўпинча мана шу аёллар интуицияси асосида эркаклар димоғи сезмайдиган ҳидларни илғаб олишдаи ажайиб қобилиyat ётади. **М. АҲМЕДОВА**



Ҳар кимнинг ўз иси, таровати бор. Ишда, турмушда ҳамкор ва йўлдош танлашда ана шу хислатнинг аҳамияти катталигини биламизми?

бир-бири билан қизиқади, мулоқот қилади. Биз нафақат ўзимиз ҳақимизда "ҳикоя қилибгина" қолмаймиз, балки бошқа кишилардан сигналларни қабул қиламиз.

Устига-устак, бир сўз билан айтганда, бу билан иш чеклан- ёқтирмай қолиш ёки бефарқлик туйғулари пайдо бўлади. Ҳамиша димоғингга ишон. Инсон ҳаётида ҳид олишнинг ўрни унчалик ҳам маълум эмас эди. Бироқ олиб борилган тадқиқотлар натижалари, ҳидларнинг аҳамияти кўпинча етарли баҳо-



бўлишига қарамай бизни ўздан нари қиладиганига эса тушунмаймиз. Нега биз ислар ҳақида сўз кетганда, "ёқимли" ёки "ёқимсиз" деган сўзларни ишлатамиз? Физиологлар мазкур ҳолатни ҳид билиш нуқталари бош мия ва унинг бўлинмалари билан жуда яқин туриши, ҳар қандай ҳиссиётга жавоб беришида деб изоҳлайдилар. Шунинг учунми ҳамма ҳиссиётларимиздан ҳид билиш ҳиссимиз устунлик қилса керак. Шуниси қизиқки, эркаклардан кўра аёллар ҳидни тез ва ўткир сезадилар, ҳамда таъсирчанлар.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар бир одамнинг бошқалардан ажратиб турадиган ўзигагина хос иси бўлади. Швейцариялик олимлар инсон танасининг табиий ҳидини искаб қўриш билан ўзи мулоқот ва муносабатда бўлган кишиларнинг генетик ўхшашлиги ва аксинча тафовутини англашларини таъкидлайдилар. Бу тадқиқот яна шуни кўрсатдики, бизга генетик жиҳатдан ўзимиздан тамоман фарқ қилувчилар ёқар экан. Табиийки, ҳар би-

атир-упалар излаб топишга сарфлайдилар. Лекин бу билан улар тананинг табиий исини ҳисобга олмайдилар. Афсуски, турли-туман хўшбўй суюқликлар билан қандай муомалада бўлиш борасида маълум билим олиш муассасаси йўқ, бу билимни бир қанча синов ва хатоларни бошимиздан ўтказиб оламиз. Атир ва бошқа атторлик ашёларини танлаётганда фақат ўз таъбингизга эмас, атрофдагилар дидига ҳам мослаб олсангиз мақсадга мувофиқ бўлув эди. Айнан атрофингиздагилар сиз бир неча сониядан сўнг ҳис этмай қолган исни бир неча соат ҳидлашларига тўғри келади. Эсингизда бўлсин, энг яхши ифор ҳам ўта ўткир бўлмаслиги керак. Атир иси қанчалик нафис ва заиф бўлса, у одамнинг кўнглини шунча узоқ дилкаш қилади. Тоза, покиза тери иси билан қўшилиб, ўз хусусиятини ўзгартиради. Шунинг учун бир турдаги атир турли одамларда турлича ис таратади.

ЖАМИЛА

тайёрлади.

АТИР ТАНЛАШ САНЪАТИ

Шахслар аро муносабатларда табиий ҳидлардан ташқари сунъий ҳосил қилинган ислар ҳам катта ўрин тутади. Модомики замонавий жамиятда тозалик ва бадандан муаттар ис анкиб тури-

ши катта аҳамият касб этса, терга ботиб юриш сира тўғри келмайди. Эркак ва аёллар ёқимтой кўринишга эришишдаи мақсад йўлида сув муолажаларига, мос атир-упа излашга олам-жаҳон вақтларини сарф қиладилар. Бу йўлда улар баъзан ўзларининг табиий ҳидларини йўқотиб, ҳамкорлик қилиши мумкин бўлган йўлдошларини чўчишиб қўядилар. Табиий ҳидлардан фарқли ўлароқ, сунъий ислар кишининг ижтимоий мавқеи, унинг жамиятдаги ўрни ҳақида маълумот беради. Шу ўринда "тўнга қараб, тўрға чиқинг", деганларидай, кишидан келаётган исга қараб муомала қилинади. Афсуски, атирдан қандай фойдаланиш санъати ҳеч қаерда ўргатилмайди, шу сабабли ҳам бу маҳоратни синов ва хатолардан сабоқ олган ҳолда эгаллаш керак бўлади. **Атир танласангиз, ўз димоғингизга ёқадиганини эмас, балки атрофингиздаги кишилар дидларини инобатга олган ҳолда танланг.** Айнан улар кўп вақт давомида бу



ҳидга чидаб ўтиришлари керак бўлади, чунки сиз бу ҳидга атиги санокли сониялар ичида кўнникан ва бу ис сизга сезилмай қолган бўлади. Шуни унутмангки, ҳаттоки жуда муаттар ис ҳам жуда ўткир бўлмаслиги керак! Атир иси қанчалик нафис ва аста сезилса, таъсир атрофдаги кишиларга шунчалик кучли бўлади. Айни вақтда ҳаддан ташқари ўткир сунъий ҳид атрофдагиларда салбий ҳис уйғотишдан ва бош оғритишдан бошқасига ярамайди. Ниҳоят, ҳаттоки тоза терига томзилган атир бўйи тананинг табиий ҳидига қўшилиб, ўзгаради. Шунинг учун бир хил атир турли кишиларда турлича анқийди.

Маъсума АҲМЕДОВА

тайёрлади



ҚАХВА - САЛОМАТЛИК, ТЕТИКЛИК, ХУШ КАЙФИЯТ ҲАЗИНАСИ

Инсоният кофе-қаҳва ҳақида кўп асрлар илгари хабардор бўлди. Бу вақт ичида бу ичимликнинг халқ орасида кўпдан-кўп ишқибозлари пайдо бўлди.

Маълумки, Ер қуррасининг учдан бир қисми қаҳва ичишга мойиллик билдирадilar. Бунинг ҳеч бир таажубланарли ери йўқ. Ахир бу ичимликнинг кишини тетиклаштирувчи хуш иси бизни эрта туриб, бутун кун мобайнида дадил юришимизга ёрдам беради. Бир пиёла қаҳва ичиб, аксарият муҳим муаммоларни ҳал қилиш ва кечаларни қисқартириш мумкин. Умуман, қаҳва истаган вақтда ва истаган жойда маъқул ичимликдир.

Ичакни юриштиради

Овқат ҳазм бўлиш қийинлашган ҳолларда ёрдамга келувчи озиқ-овқат маҳсулотлари ичида қаҳва олдинги ўринлардан бирини эгалайди. Бунинг сира ажабланарли жойи йўқ. Унинг таркибидаги кофеин, хушбўй моддалар ошқозон секретиясини кучайтиради, ошқозон ва ичакларни тўлқинсимон керилиш ёки сиқилиш ҳолатларига кўмаклашади. Шундай бўлса-да, барибир меъёрни унутмаслик керак. Чунки севимли ичимликдаги органик кислоталар жигдидон қайнаши, зарда қилишига олиб келиши мумкин.

Бу ичимликни мароми билан ичган кишида (кунига 2 пиёла) моддалар алмашинуви тезлашиши исбот қилинган. Бунинг натижасида эса қўшимча равишда 50 дан 100 гача калория куйдирилади. Агарда қаҳва ичгандан сўнг 3-4 соат давомида чакқон ҳаракат қилсангиз (ёки жисмоний меҳнат билан шуғуллансангиз), ортиқча калориянинг куйиш жараёни тезлашади. Бироқ айнан қаҳва озишмига ёрдам беради, деб ўйласангиз, хато қиласиз. Ахир кунига 4 пиёла қаҳва ичган киши моддалар алмашинувини атиги 1%га фаоллаштиради, холос. Бу эса, хушбўй ичимлик озиш учун бир восита эканлигига, холос.

Тетиклаштирувчи алкалоид.

Қаҳва тановул қилган ҳар бир киши унинг кишини дадил қилувчи, чарқоқни олиб ташлаш қудратига эгалигини билади. Бу эса қаҳва донналаридидаги кофеин – муҳим ўсимликлардан бири бўлган алкалоид туфайли ҳосил бўлади. У марказий асаб ва қон-томир тизимига кўзғовчи таъсир кўрсатади, толгинликни бартираф этади, уйқуни қочиради ҳамда руҳшизликни енгади, тана аъзоларининг барини тетик қилади.

ранг қанд қўшасиз. Устини кўпиртирилган қаймоқ билан безайсиз.

Ирландча қаҳва:

Бокалга таъбга кўра қанд соласиз, унинг 3\4 қисмигача қайноқ қаҳва қуясиз ва 4 ошқошиқ виски аралаштирасиз. Қаҳва устини эса қалпоқ қилиб

Тошлардан ҳимоя қилади.

Ўн йил давомида 40 минг нафар киши иштирокида ўтказилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, ҳар куни 2 пиёладан 4 пиёлагача қаҳва ичган кишиларда буйракида тош пайдо бўлиш хавфи 45% га камаяр экан.

ЖИНОЯТЧИГА ҲАР КУНИ ҚАХВА

Швед қироллиги тахтини 1792 йилгача эгаллаб турган Густав III бу қора ичимликни заҳар деб қаттиқ ишонарди. Шунинг учун у ўлимга ҳукм қилинган бир жиноятчини бу “заҳар”дан қийнаб ўлдириш мақсадида унга ҳар куни бир пиёладан қаҳва ичиришни буюрган. Аммо қизиги шундаки, ҳар куни “заҳар” сифатида қора қаҳва ичган жиноятчи қиролдан анча йил ўтказиб қазо қилган.

Қаҳванинг фойдаси.

● Уткир қаҳва айниқса аёллардаги оғриқни ўтмаслаштиради. Агар қош ва юзгинга юнги ни ип билан тозаламоқчи бўлсангиз, аввал бир - икки пиёла қаҳва ичиб олинг.
● Меъёрида ва лекин мунтазам қаҳва ичиб юрган одам юрак - қон касаллиқларига камроқ чалинаркан. Шотландияда кардиологлар ўн минг одамни текширганда эрталабдан қаҳва ичишга одатланган одамларда мўл - кўл қаҳвахўрлик қилувчилар ва шунингдек, умуман бу ичимликни нўш этмовчиларга нисбатан юрак касаллиқларига чалиниш паст даражада эмиш.
● Кунига уч - тўрт пиёла қаҳвахўрларда жигар циррози хасталигига чалиниш кам учраркан.

● Қаҳвада кўк чойга нисбатан тўрт баровар кўпроқ антиоксидантлар борлиги аниқланган. Антиоксидантлар бузилган хужайраларни қайта тиклаб, турувчи мисоли «курувчи»лар вазифини ўтаркан.

● Ҳар куни уч пиёлагача ўткир қаҳва ичувчиларнинг олтимши физи Альцгейтер касаллигига чалинмасликлари, буйрақларида эса ўн фоизга кам тош пайдо бўлиши аниқланган.

● Қаҳва ишчанликни оширади ва диққат-эътиборни тезда йиғиштириб олишни таъминлайди. Айни вақтда асабни кўзгамайди. Аксинча, ақлий зўриқиш ҳолатида бўлганларга тинчлантирувчи хусусиятга эга қаҳванинг ишчанликка ижобий таъсири ҳам шунда бўлса керак.

● Чекувчиларга ҳам қаҳва яхши таъсир қилади. Қаҳва никотиннинг организмга салбий таъсирини юмшатади.

● Қаҳвани ҳомиладор, кекса, кам уйку, қон босими юқори одамлар яхшиси истеъмол қилмаганлари афзалдир.

Маъсула АХМЕДОВА



Қаҳва дарахти ҳамиша ям-яшил бўлиб турувчи дарахт ёки маренлилар оиласига қиради. Бу дарахт ўсадида иклим шароити майин бўлиши, ҳаво ҳарорати кескин кўтарилиб тушмаслиги зарур. Ушбу дарахт йил бўйи ҳосил беришдан тинмайди.

кўпиртирилган қаймоқ билан безайсиз.

Сут аралаштирилган италянча қаҳва:
Кўпиртирилган сутга 1 кишилик *Эспрессо* қаҳва-сидан соласиз, қанд қўшмайсиз.

Веналиклар қаҳваси:

Куюк, ўткир кофега шунча микдорда сутни кўпиртириб қўшасиз. Устини қирғичдан ўтказилган шоколад билан безанг.

Глясе қаҳваси :

Совуқ кофе ни муз солинадиган формага қўйинг. Уни музлатгичда 34 соатга сакланг. Совуқ сутга озороқ шакар қўшинг ва суюқ қаймоқ ҳам қўшиб кўпиртиринг. Стаканга музлатилган кофе кубикларини қўшинг ва устидан кўпиртирилган сутни қаймоқни, аралаштиринг.

Кишини тетиклаштирувчи кофеин.

Қаҳванинг кўзғовчи таъсири саломатлигимга зарар етказмасин десангиз, кунига истеъмол қилиш меъёри 350 мг. дан ошмаслиги керак. Куйидаги ҳавада кофеиннинг турли маҳсулотлар таркибида қанча мавжудлиги келтирилади.

Кофеинсиз 1 пиёла қаҳва (50 мл)	3 мг
1 пиёла қаҳва (150 мл)	2-5 мг
Таркибида қола бўлган ичимлик (80 мл)	8 мг
Енгил аччиқ шоколад (30 г)	20 мг
1 пиёла қора чой (150 мл)	40 мг
Эспрессо (30 мл)	30 мг
1 пиёла эритилган қаҳва (150 мл)	65 мг
қайнатилган 1 пиёла қаҳва (150 мл)	80-120 мг

Қаҳвахўрлар учун қаҳва тайёрлашнинг турфа йусинлари мавжуд:



Парижча қаҳва:

Катта пиёлага 1 рюмка Ямайка ромидан қуясиз, унга 1 чойқошиқ шакар қўшасиз, сўнгра устига қайноқ қаҳва қуясиз. қаҳва юзасини кўпиртирилган қаймоқ билан безайсиз.

Шварцвальдча қаҳва:

Иссиққа чидамли стаканга 2 мл. олча шаробидан қуясиз ва идишни тўлдириб қайноқ қаҳва қуясиз, 1 ошқошиқ жигар

ОЛТИН куз латофати

Акраб 21 октябрдан 18 ноябргача, 29 кун давом этади. Ушбу ойда ўзбекча “Чаён”, форсча “Қажуд” номи билан юртиладиған бурж ҳукмронлик қилади.

Минтақамиз иклим шароитига кўра бу ой ҳароратнинг бир қадар пастайиши ва ёғингарчилик билан бошланиб, аста-секин қиш совуқлари билан уланиб кетади. Шунинг учун ҳам қишлоқ кишилари орасида “Мезон ўтди, ёмғиридан нам қолди, акраб кирди, илиқ кунлар кам қолди”, “кузги донни акрабгача кўммасанг панд ейсан” дейилган гаплар юради. Куз, илиқ келса ҳеч гап эмас.

Аммо манбаларда ойнанинг иккинчи ярми, хусусан, сўнгги ўни куниди куруқ изғирин совуқлар бўлганлиги, қалин қор ёққанлиги кўп марта қайд қилинади.

Мулоҳаза билан ўйлаб қарасангиз, юқоридидаги гапларда анчагина ҳикмат бор. Чунончи, илиқ кунлар чиндан ҳам кам қолади. Акрабгача майсаламай, тупроққа қоришиб, намқиб, тўлишиб турган дон ер музлаши билан тамом бўлади. Қалин қор ёғиб қолиб, ер музласа, ундан сўнг қилинган шудгор сифатли бўлмайди. кўмилмай қолган ток новдалари, баъзи йиллар ҳатто мевали дарахтларнинг новдалари ва куртақларини совуқ уради. Хуллас, акрабнинг турли-туман хатарли жиҳатлари кўп. Шу сабабли бўлса керак, “хушёр бўл, бекорга чаён демаганлар бу ойна”, дея оғохлангиради кексалар.

- Эрталаб чумчуқлар қувонишгандек чирқиллашаверса, тушга яқин ҳаво исийди.

- Қора қаргалар шудгор ва бошқа кенг майдонларга ёйилиб донлайверса, тез орада ҳаво бузилади, ёғингарчилик бўлади.

- Олақарга келди, қиш келди. Агар у дарахт, симёғочлар ёки бошқа бир баландор жойга қўниб олиб қағиллайверса, ёғингарчилик яқин.

- Ҳадеганда дарахтлар барги тўкилавермаса, қиш қаттиқ келади.

- Дарахт барги учидан тўкилса, қиш мўътадил келади. Бу ойда кундузлар ниҳоятда қисқа бўлади. Халқ хисобдонлари ва кекса донишмандлар ҳулосасига қараганда, акраб рисоладагидек келган йилларда об-ҳаво тез-тез ўзгариб туриши керак. Ҳаво аччиқ, кундузлари бир илиқ кечган

дамларда ҳам кечалари барибир ниҳоятда совуқ бўлади, сув ва тупроқнинг устки қатлами музлаши мумкин. Акрабнинг иккинчи ярми, хусусан охирларига бориб бултули, ёғин-сочинли кунлар кўп бўлади. Далалар оппоқ қор кўрпаси остида қолиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Халқ таомилида яна бир гап бор. Баъзи йиллар бу ҳодиса жуذا сийрак кузатилса, қиш қаттиқ келмайди. Лекин табиат бу қондалар, кузатиш, хулосалар, шунингдек, ойнанинг бошқа ўзига хос хислат-хусусиятларига баъзан ўзгаришлар ҳам киритиб туради. Бунинг устига, акрабнинг қуёшли, илиқ кунлари ҳам фусункор бўлади. Қуёш ҳарорати замирида бари-бир изғирин кезади. Ёки қутилмаганда ҳаво бирданига айниб ёмғир, ҳатто қор ёғиши ҳам ҳеч гап эмас. Шунинг учун акраб аёздан эҳтиёт

бўл, дейдилар.

Акрабда олтин кузнинг латофатли дамлари кечади. Боглар, шаҳар кўчалари четидаги дарахт япроқлари тагин ҳам тинчлашади. Акрабнинг иссиқ-илиқ кунларида пиёда сайр қилиш ниҳоят гаштти бўлади. Қишлоқ турли қўжатлар. Кузги қовун-тарвуз, қадди, картошка, қарам, шолғом, нок, узум каби неъматларга тўлади. Инсон меҳнатининг бор самараси, қут-барақаси шундоқна юзага чиқади. Уларни қўриб кўз қувонади, дил ярайди. Акраб ана шундай инъомлари билан навбатни қавсга топширади.



А.НАРЗИКУЛОВА

ОЛМА УЗИШ

Кейинги пайтда газета ва журналларни ўқиркансиз, ёлғизлик офати худди эпидемиядай тарқатаётганга ўхшайди, деган фикрга келасиз. Агар аҳвол шу даражада кетaversа, тез орада бирорта эрли аёл қолмайди-ёв. Мана, газетда "Танишув" рукнини ўқиб ўтирибман: "Истараси иссиқ, келишган, 35 ёшли аёл турмуш қурмоқчи...". "Урта бўйли, ёқимтой аёл оила барпо этмоқчи...", "Қадди-комати келишган...", "Еш, саркомат...", "Замоनावий, чиroyли..." ва ҳоказо.

Уйида давом этдим. "45 ёшли аёл..." Э-э! (Кутубxonачи...) Э-э! "Икита боласи бор..." Вой, она-жон! "Уз ҳаётини зиёли киши билан боғламоқчи..."

"Уз уйим бор..." Хўш, хўш! "Боги билан..." Хўш, хўш, хўш! "Адресим..." телефон... Лидия Михайловна".

Яна бир марта ўқидим. Уй, боғ... Аёл ёқимтойгина бўлса керак, деб ўйладим. Гаплашиш мумкин.

Телефон қилдим. Гўшакни унинг ўзи кўтарди. Узини таништирдим. Қандай қилиб денг. Ҳақиқий исминини айтдим, лекин фамилиям ўрнига кўшнимникини.

- Лидия Михайловна, газетда сизнинг комоник ёлғизлигини ўқидим. Афсуски, сизни ҳали танимайман. Шунинг учун дарҳол битта детални аниқлаб олмоқчиман,

- дедим мен. - Сигирингиз борми? Чўчалар-чи? Умуман, сизда гўшт истикболи қандай?

- Яхши, Петр Абдурахмонов, - деди у, - товуқларим бор.

- Тovuқларингиз нечта?

- Бешта.

Оббо, нимага умид қилди экан? Қирқ беш ёшда, сигири йўқ...

- Ҳа, бешта товуқ, кўп эмас экан, - дедим мен. - Лекин омадингиз бор экан, зиёли одамга дуч келдингиз. Эртагаёқ етиб бораман.

- Тўхтаб туринг, ҳаммаси шундай кутилимаганда... - деди у.

- Тўғри, - дедим мен. - Сизнинг аҳолинингизда бундай бахтга ишо-

ниш қийин.

- Шошманг, ҳеч бўлмаса, нима иш қилишингиз, қанча маош олишингизни билай!

Маликани қаранг. "Қанча маош олмасиз эмиш!"

- Сизга қанчасини беришимни сўрасангиз бўларди, - дедим мен.

- Мени кечиринг, ҳаяжонланганимдан беймани гапларни валақладим. Асосийси, бу эмас. Мен болаларни севасизми, деб сўрамоқчи эдим. Иккита аjoyиб фарзандим бор. Эгизак - биттаси ўн олтида, иккинчиси ўн тўртда.

Тамом, хурсандчилигидан мияси айниб қолди, деб ўйладим.

- Лидия Михайловна, буни қан-

бони?

- Вой, ҳазилкаш экансиз! Буни-си яхши. Кўз олдимга кучли, баланд бўйли бўлиб келаясиз.

- Худди шунақаман. Бўйим бир метру эллик сантиметр.

- Вой, нега бунақа ҳазиллашасиз? Сизга сал-пал ўрганиб қолди. Анбатта, гап бўйда эмас, лекин бир ярим метр, жуда... Илтимос, тўғриси айтинг.

- Қасам ичи айтаман: бир ярим метр. Бўйим ҳам, эним ҳам шунақа Аёл дудуқланиб қолди.

- Шошманг, мен сал ўзимга келилиб олай.

- Шошманганим билан бўйим ушиб қолармиди? Мен, Лидия Михайловна, эътирозингизга тушунолма-

Бир киши кечкурун **ҲАНҒОМА** пастда гурунглашиш белурак қидириб боғ

Бир киши кечкурун **ҲАНҒОМА** пастда гурунглашиш белурак қидириб боғ ҳовлисига ўтибди. Қараса, ён қўшниси дарахтнинг айри шохи орасида турган қонга тапиллатиб олма узиб ташлаётганмиш.

- Э, кўшнижонлар, хормасинлар, - кинояли оҳангда дебди ҳалиги киши, - бу дейман, ҳашарга чиққан экансизларда-а? Бай-бай, шундай беъмиснат кўшниларнинг садағаси кетсанг арзийди-да. Боғ эгаси бўла туриб биз оёқни узатиб уйда ётибмиз-у бу бечоралар ҳамсоғга қайишганларидан оқшомда олма теришга кўмакка чиқишибди-я. Яна, айтмасдан, хабар қилмасдан, сўрамасдан денг. Сюр-приз қилишмоқчи бўлишган бўлсалар керак-да. Ана буни одамгарчилик деса арзийди, ҳиммат-у, виждонларингизга тасанно!

- Янглишаёсиз, кўшни, - дарахт шохидаги кўшни пинағини ҳам бузмасдан, бамайлихотир оҳангда эътироз билдириб, гап бошлади, - сиз ўйлаганчалик эмас. Биз ҳашаргамас, ўтмишини, аниқроғи, ёшлиқни, висол онларини эслашга чиққандик.

- Қандай ўтмиш, кимнинг ёшлиғи-ю, висол онлари? - ҳайратланди боғ эгаси.

- Биз хотиним иккимиз биринчи учрашув кечамизни бундан роппа-роса йигирма йил олдин худди шу боғда, мана шу олма дарахтининг тағида ўтказганмиз. У пайтда бу олмасор тоғамга тегишли эди. Шунда денг, муҳаббат изҳор қилишга тилим калимага келмай, ҳаяжонланганимдан битта катта олмани шарт узиб олиб, ювмасдан, артмасдан қарсиллатиб тишлаб, чайнаб ютаверганман. Шу воқеагаям мана шу оқшом роппа-роса йигирма йил бўлибди. Кечагидек эсимда, йигирма биринчи июл оқшоми эди ўша куни. Уша дамларни бир эслаш учун хотиним билан атайлаб чиқувдик бугун бу ерга.

- Унда нега ёшлиқни эслашиб,

да ўтирибсиз. Хотинингиз эса нега пастдан қоп тутиб ташлаёсиз?

- Аввал пастда гаплашаётгандик. Қаерданам анави Ойсарканинг исми оғзимдан чиқиб кетди-ю, хотинимнинг жазаваси кўзиб кетди-да. Хотинимнинг гапларидан туюқиб, газабим қайнаб кетганида тепага чиқиб кетганимниям сезмай қолибман. Бир пайт бундай қарасам, мен тепада-ю, у бўлса пастда туриб ҳалиям бидирляпти. Шунда беихтиёр Ойсаркани кўз олдимга келтирдим. Келтирдим-у жуда ҳаяжонланиб кетдим. Нима қилишимни билмасдан, шохдаги олмаларга ёпишдим.

- Уйдан чиқишда шунчалик ҳаяжонланишингизни билиб, бир йўла қоп ҳам олиб чиққан экансиз.

- Йўғ-ей, қопни ерга тўшаб ўтиришга олгандик.

- Нега энди, сиз ҳаяжонланиб узаётган олмаларни хотинингиз қонга солиб олараяпти?

- Сонини исботлаш учун.

- Ниманинг?

- Хотиним менга сиз фоҳишабоз бўлиб кетдингиз, юрган хотинларингизнинг сони шу дарахт шохларидаги олмалар сонидан ҳам кўп, деди-да, бирма-бир уларнинг исмларини айтиб, санай бошлади. У ҳар бир исмини айтганида mening ҳаяжоним тобора ошиб, жahl билан битта олма узиб ташлайвердим. У эса ердан олиб, қонга солаверди. Теришдан чарчаганидан кейин қопнинг оғзини очиб туриб, исмларни санашда давом этаверди, мен энди узганимни ерга эмас, тўғри қонга ташлайвердим.

- Хотинингиз айтганчалик фоҳишабоз эмас экансиз-ку.

- Шундай деб ўйлайсизми?

- Ҳа-да. Мана, қоп ҳали ярим ҳам бўлмабди-ю.

- Қопни икки марта уйга бўшатиб келдим, бу учинчиси.

Нормамат Тоға
Қашқадарё вилояти

ГЕННАДИЙ ХАЗАНОВ Қақвиё ЁЛҒИЗЛИК



дай тушуниш мумкин? Эгизак бўлса-ю биттаси ўн олтида, иккинчиси ўн тўртда? Биттаси дарров чиққан боқчасини икки йил авраб қақришга тўғри келганми?

- Нима деяпсиз? Мен рамзли қилиб айтаялман. Улар бири-бирига жуда ўхшайди. Дарвоқе, Петр Абдурахмоновчи, сиз mening ташқи кўринишим қанақалигини ўйлаётгандирсиз? Ҳа, жуда унақан! Гўзал эмасман. Эҳтимол сиз... Лекин тасавурида сочларингиз тиккайганга ўхшайди.

- Хўш, нима бўпти?

- Ким тиккайтирган?

- Сизга эр керакми ёки қорбо-

дидим мен. - Мен худди олмайман. Агар худди олмайманга уйланиб нима қилардим.

У бақира кетди:

- Телефон қилганингиз учун раҳмат! Mening кўзимни очдингиз? Қанчалик бахтлигимни энди тушундим. Аллақачондан бери бахтим учун ҳамма нарсаман экан: қирқ беш ёш, кутубxonачи-ман, икита фарзанд, Абдурахмон Петрович!

Шундай қилиб, ўртққ зиёлар, мен ҳануз озодман.

Ориф ФАРМОН таржимази

раз қила қоламан.

Узоқ даволангандан сўнг, голландиялик фермер уйига қайтиб келгач, деди:

- Мана энди, азизлар, мен бутунлай соғайиб, ревматизм касаллигидан қутулдим.

- Ия, дадажон, бизга об-ҳавонини энди ким олдиндан айтиб туради, - сўради ўғли.

Бир шифокор иккинчи шифокорга:

- Беморларнинг учдан бир қисмига ёмон пазандалар сабаб бўлади, мен шунга аминман.

- Фикрингизга қўшиламан, аммо беморларнинг учдан икки қисмига яхши пазандалар сабаб бўлади.

М. МИРЗАШАРИПОВ
тайёрлади.

Наҳотки йўл чиптасини сотиб олдиш учун қийимларини сотиб, ич қийимда қолган бўлса?



Бир талабадан ота-онасига хат келди:

- Хатингиз ҳаммасини қийнаблиб ўқиб ўтирасанми, - деди эри хотинига, - ўша пул сўраган жойини ўқи кўй-да...

Профессор талабадан сўради:

- Айтинг-чи, матриархат даврида аёллар эркакларни қандай қилиб ишлатишган?

- Худди ҳозиргидек...

Шифокор:

- Бемор ўлиб қолибди.

Бемор:

- Қандай қилиб, ахир мен тирикман-ку...

Беморнинг хотини:

- Жим бўл, нима сен дўхтирдан ҳам яхши биласанми?

ҚАҲҚАЛАР

- Дўхтир, эсингиздами, бир йил бурун ревматизм билан оғриб хузурингизга келган эдим, ўшанда сиз захдан эҳтиёт бўлинг, деган эдингиз.

- Ҳа, эсимда.

- Сиздан сўрагани яна олдингизга келдим. Энди ювинаверсам бўладими?

- Сиз нима учун бу доридан ичмаясиз? - Мехрибонлик билан сўради шифокор.

- Жуда аччиқ экан.

- Ундай бўлса, маслаҳатим шуки, бу доридан ичаётганингизда ўзингизни гўё коньяк ичаётгандек фараз қилинг.

- Дўхтир, яхшиси мен коньяк ичиб, дори ичаялман, деб фа-

Қара ўртоқжон, мен шим қийиб юрадиган бўлганимдан сўнг, эрим уймай - негмай қолмоқчи қиядиган бўлди.



Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриқлар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила -133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

Манзилими: Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» Акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида № 33 рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 736. Формати А-3, ҳажми 4 босма тобоқ.
Адади - 19112
Саҳифаловчи - **О. НУРМАМАТОВ**.
Рассом - **Н. ХОЛМУРДОВ**.
Набатчи - **Б. САЙДАЛИЕВА**.
Мусаҳҳих - **С. САЙДОЛИМОВ**.

Газета «Шарк» нашриёт-матбаа компанияси босмахонасида чоп этилади. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00
Босишга топширилди

Газета таҳририят компьютер базасида теришти ва саҳифаланди.